

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

Аннотация: Мазкур малакавий иш замонавий индонез адабиётининг ёрқин намоёндаси Хайрил Анвар шеърляти ва унда рамзийлик масаласига бағишланган.

ТУРДИЕВ САНЖАР КОМИЛОВИЧ

**ИНДОНЕЗ ШОИРИ ҲАЙРИЛ АНВАР ШЕЪРИЯТИДА
РАМЗИЙЛИК**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

ФАКУЛЬТЕТ ДЕКАНИ:

КАФЕДРА МУДИРИ:

ИЛМИЙ РАҲБАР:

ИЛМИЙ ТАҚРИЗЧИ:

ТОШКЕНТ 2012

МУНДАРИЖА

КИРИШ

И БОБ

40-50 ЙИЛЛАРДА ИНДОНЕЗ ШЕЪРИЯТИ ВА ҲАЙРИЛ АНВАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

1.1 20 аср 40-50 йилларда Индонез адабиёт жараёнлари ?????

1.2 Ҳайрил Анвар - янги авлод шеърияти асосчиларидан бири

ИИ БОБ

ҲАЙРИЛ АНВАР ШЕЪРЛАРИНИНГ ТЕМАТИКАСИ

2.1 Ватанпарварлик руҳида яратилган шеърлари

2.2 Ўлим мавзусини ифодалаган шеърлари

2.3 Севги мавзусидаги шеърлари

ИИИ БОБ

ҲАЙРИЛ АНВАР ШЕЪРИЯТИДА РАМЗЛАР КЎЛАМИ

3.1 “Аку” шеърида изтироблар рамзи

3.2 “Румаҳку” шеърида эзгулар рамзи

3.3 “Пенгхидупан” шеъри ҳаёт рамзи

ХУЛОСА

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ

ИЛОВАЛАР

КИРИШ

“Жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аجدодларимизнинг маданий ва маънавий мероси теранлиги ва чуқурлигини англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олийжаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асра-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айни чоғда ҳозирги замон жаҳон сивилизатсияси ва маънавияти кадриятларини ўзлаштириш ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилганлиги – мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирки, бизнинг янгиланиш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашини ошириш, аҳолининг сиёсий етуқлиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу заминга таянади.”¹

Мавзунинг долзарблиги. Индонез адабиётшунослигида назмий асарларнинг адабий таҳлилига бағишланган изланишлар насрий асарлар тадқиқотига нисбатан жуда кам кузатилади.

Ҳайрил Анвар шеърини индонез адабиёти назм оламига янгича услуб, янгича қирралар ва ўзининг реалистик қарашлари билан кириб келган.

Индонез адабиётида шеърят жаҳон тадқиқотчилари томонидан нисбатан кам ўрганилган мавзудир. Биз танлаган мавзуимиз билан индонез адабиётшунослиги учун маълум бир маънода янги бўлган, нисбатан кам тадқиқ қилинган адабий мерос қирраларини муайян муаллиф ва унинг муайян асарлари воситасида очиб беришга ҳаракат қилдик.

Маълумки, шеър арабча шуур –сезги сўзидан олинган бўлиб, фикрнинг ҳис туйғуга қоришиқ ифодаси сифатида вужудга келган, ҳаяжонли *шеърий нутқ* билан ифода этилган, маълум ички оҳангга эга бадий асардир. У бадий адабиётнинг қадимий тури бўлиб, инсоният энг биринчи бадий асарларни шеърятда яратган.

Шеърда муаллифнинг оний кайфияти, лаҳзалик порлоқ кечинмалари устуворлик қилади. Шеърда фикрнинг кутилмаган ва сезгиларга кучли таъсир кўрсатадиган йўсинда ифодаланишига эътибор қилинади. Унда

¹ Karimov I.A. Vatan sajdagoh kabi muqaddasdir.T.3. Toshkent. O'zbekiston. 1996. 274-b.

туйғулар қудратли, сезгилар миқёси кенг ва таъсирчанлик, юқумлилик даражаси юқори бўлиши муҳимдир.²

Мавзунинг мақсад ва вазифалари. Тадқиқотдан кузатилган мақсад, индонез адабиётида 40-йиллардан кейин реалистик қарашлари билан шеъриятга янгилик киритган шоирлардан бири, қолаверса, 45 йил янги шеъриятининг асосчиси бўлмиш Ҳайрил Анварнинг қисқа 27 йиллик умрида қилган ижодини ўрганиш ва имкон борича таҳлил қилишдир. Ушбу ишимиз индонез адабиётида муайян шоир асарлари асосида янгича услуб шеъриятини ўрганишга бағишланар экан, биз қуйидагиларни мақсад қилиб олдик:

- Жаҳон адабиётшунослари ва индонез адабиётшунослари томонидан мазкур мавзу қай даражада ўрганилганлигини аниқлаш;
- 40-50 йилларда индонез адабиёти адабий жараёнларини манбалар асосида ўрганиш;
- Ҳайрил Анвар ижодини ўрганиш, ҳамда унинг 45-йиллар шеърияти асосчиси эканлигини далиллар ва мисоллар билан ёритиш;
- Ҳайрил Анвар шеърлари тематикасини ўрганиб, таҳлил қилишга уриниш;
- Ҳайрил Анвар шеъриятида рамзийлик, рамзлар кўламини илмий-назарий ҳамда бадиий манбалар асосида, шунинг билан бирга мустақил хулосаларга ёндошиб тадқиқ қилиш.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот манбаларини ўрганар эканмиз, Ҳайрил Анвар ижоди бўйича маълумот, илмий изланишларни қуйидаги асарларда учратдик.

Балфас Мухаммад³нинг Нидерландияда чоп этилган “Modern Indonesian Literature in Brief” (Қисқача замонавий индонез адабиёти) мақоласида Ҳайрил Анвар ҳаёти ҳамда ижоди, ёзган шеърлари мавзуси ва уларнинг моҳиятига қисқача тўхталиб ўтади.

² O'zbek milliy ensiklopediyasi. 10 tom. Toshkent 2005. 51 bet.

³ Balfas Muhammad. Modern Indonesian Literature in Brief. Hamdbuch der Orientalistik. (Sharqshunoslar broshyurasi). Leiden, Nitherlands. 1976.

Индонез адабиётшуноси Ариеф Будиман⁴нинг индонез тилида яратилган “Чаирил Анвар: Себуах Пертемуан” (Ҳайрил Анвар: Бир учрашув) мақоласида Ҳайрил Анвар шеърлятидаги маъновий нозик қирраларга эътибор берилади.

Джамин Насжах ва Моникүе⁵нинг франсуз тилидаги “Лес Дерниерс Моментс де Чаирил Анвар” (Ҳайрил Анварнинг сўнгги лаҳзалари) мақоласида, Тееу А.⁶нинг индонез тилида чоп этилган “Сафра Бару Индонесиа” (Янги индонез адабиёти) асарларида, ҳамда Тинук Ямпольский⁷нинг “Чаирил Анвар: Поет оф а генератион” мақолаларида Ҳайрил Анвар ҳаёти ва ижоди ҳақида тўхталиб, шеърларини бадиий таҳлил қилганлар.

Сикорский⁸ ўзининг “Индонезийская литература” китобида Ҳайрил Анвар ҳақида ҳам қисқача маълумот келтириб ўтади.

Мазкур биз танлаган мавзунинг ўрганилганлик даражасини кўриб чиқар эканмиз, биз учратган тадқиқот манбаларида Ҳайрил Анварнинг ҳаёти ва ижоди билан бирга шеърларини қандай мавзуларда ёритганлиги, ва унинг сабабларини ахтаришда бўлган изланишлар кузатилади. Аммо шу муаллиф шеърлари асосида “севги” мавзусини алоҳида ўрганган, унинг талқин қилишнинг ўзига хосликларини очиб беролган, шу билан бирга бадиият, шеърлятнинг беағи бўлмиш бадиий сўз санъатлари Анварнинг шеърларида қай даражада ўрин эгаллашини ўрганиб чиққан манбани кузатмадик.

Биз бошқа мамлакатлар адабиётида олиб борилган илмий ишларнинг мавзуйимизга яқинларини кўриб чиқиб, уларни солиштириб, керак бўлса баъзиларини методологик асос сифатида қўллаб битирув малакавий ишимизда қўйилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишга имкон қадар уриндик.

⁴ Arief Budiman. Chairil Anwar: Sebuah Pertemuan . (Hayril Anwar: Bir Uchrashuv.) Indonesia. 2007

⁵ Djamin Nasjah, Monique. Les Derniers Moments de Chairil Anwar. (Hayril Anvarning so'nggi lahzalari). France. 1972

⁶ Teeuw A. Sastra Baru Indonesia. Nusa Indah. 1980

⁷ Yampolskiy Tinuk. Chairil Anwar: Poet of a generation. Northern Illinois University. 2002

⁸ Sikorskiy. Индонезийская литература. Moskva. 1965

Мавзунинг предмети ва обекти. Тадқиқот предмети адабиётшуносликда илмий иш учун семахсул манба бўлмиш шеърят мавзусини муайян бир адиб асарлари асосида ўрганиш, назмий асарларда етакчилик қилган мавзулар, ҳамда рамзлар кўламини тадқиқ қилишдир. Тадқиқот объектлари қилиб қуйидагиларни олдик:

-Асосий объект: Ҳайрил Анварнинг назмий асарлари.

-Тадқиқотнинг қўшимча объектлари: Жаҳон ва ўзбек адабиётшуносларининг шеърӣ асар тадқиқоти бўйича назарӣ асарлари, тадқиқот ишлари, лингвистик, изоҳли ва адабиётшунослик терминологик луғатлари, интернет манбалари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Кўпгина тадқиқотчиларнинг илмий асарларини ўрганиб, индонез адабиётшунослигида мазкур мавзуга ўхшаш мавзуни кузатмадик. Шунингдек, бу мавзу ўрганилиб, асарда тематика ҳамда рамзийлик ўрганилади.

Илмий янгиликнинг амалиётдаги аҳамияти. Бу мавзу индонез ҳамда бошқа хорижий мамлакат адабиётини ўрганувчилари учун назмий асар таҳлили борасида назарӣ кўникмалар бериш билан бирга, мавзунинг ўзига хос хусусиятларини кенгроқ очишга, шеърнинг мавзусини тушиниб етиш, рамзийликни тўғри таҳлил қила олишга, шеърятда образларни тўғри тушунишга ёрдам беради.

Тадқиқот структураси: Битирув малакавий ишимиз Кириш, 3 та бобдан иборат Асосий қисм, Хулоса, Адабиётлар рўйхати, Иловалардан иборатдир.

И БОБ

40-50 ЙИЛЛАРДА ИНДОНЕЗ ШЕЪРИЯТИ ВА ҲАЙРИЛ АНВАРНИНГ УНДА ТУТГАН ЎРНИ

Бир халқ, миллатнинг адабиётини ўрганиш жараёнида, у халқ гапирадиган тил, ўзига хос тил ва адабиёт тарихи ҳеч бир тадқиқотчининг назаридан четда қолмайди.

Мазкур боб муқаддимасида Индонез адабиёти яратилган тил тарихи ҳамда адабиёти ҳақида изланишлар ва кузатишлар давомида қўлга киритган маълумотларни бериб ўтишни лозим деб топдик.

Индонез тили — малайя-полинезия тиллари, индонез шаҳобчаси Суматра гуруҳига киради.

1.1. 40-50 йилларда индонез адабиёти ва ундаги жараёнлар

Индонезияда миллий озодлик ҳаракатининг бошланиши билан малайя тили сиёсий ва маданий жиҳатдан бутун мамлакатнинг бирлашувига олиб келувчи восита бўлиб қолди.⁹

⁹ O'zbekiston Milliy Ensiklopediyasi. Davlat ilmiy nashriyoti. Toshkent, 4-bo'lim. 158-159 betlar.

Индонезияда 1930 йилларгача икки расмий тил, голланд ва малай тиллари қўлланиларди. 1928 йилда Яванинг ёш зиёлилари ҳаракати билан Ёшлар конгресси (Сумпах Пемуда) “бир халқ, бир миллат, бир тил” принтсипи қабул қилингани Индонез тили расмий тилининг пайдо бўлишига олиб келди.¹⁰

XX асрнинг 20-30 йилларида С.Т. Алишоҳбона, Ҳамка, Рустам Эффенди ва бошқалар яратган асарлар, “Пужанг Бару” бадий, ижтимоий ва сиёсий журналининг нашр этилиши Индонез адабиёти тараққиёти учун муҳим воқеа бўлди.

“Пужанг бару” оқими 1930 йилларда:

- Ёш индонез зиёлилари ўртасидаги ҳамкорлик ривожланди;
- Бу зиёли ёшлар турли гуруҳлар ташкил қилиб, ташкилотнинг даражасини оширишга хизмат қилди; ,
- “Савах” (Гуруч даласи) ва “Бинтанг” (Юлдуз) номли романтикани куйловчи оқимлар пайдо бўлди;
- Миститсизм аспектларини шеърятда кузатилди. (Суниси Паненинг “Дўа” шеъри мисолида кўриш мумкин.

30 йиллар охирларида бир қатор ёзувчилар, шоирлар, жумладан, Ҳайрил Анвар, Идрис, П.А. Тур, А. Картамихаржа, У.Т. Сонтани ва бошқалар ижодида реалистик тамойиллар кучайди.¹¹

1.2. Ҳайрил Анвар - янги авлод шеъряти асосчиларидан бири

45 йилларда эса индонез адабиёти реалистик қарашларга эга бўлган шеърят юзини кўрди. Шу реалистик қарашларнинг асосчиларидан бири, Индонез адабиётининг 1945 –йиллардан кейинги инқилобий адабий оқимининг асосчиси, янгича услуб, янгича қарашлар соҳиби, ўзига хос ва

¹⁰ www.google.com/indonesianliterature

¹¹ www.google.com/wikipedia/interlude

анъанавий шеърятдан йиروق бўлган ижоди билан танилган шоир Ҳайрил Анвар номи қисқа муддатда ёғиб ўтган бўлса-да, шу кунгача тоғ чўққиларида абадий ярқираб турган оппоқ қор каби қисқа 27 йиллик умри ичида Индонез адабиёти чўққиларида адабиётнинг қоячаларига ҳам нур берадиган ёрқин юлдуз бўла олди.

Ўткир тили, ноҳақлигу нотўғри тизимни беаёв танқид остига олиши, инсонларнинг салбий хусусиятларини устидан шеърлари орқали юмор қилиши оқибатида ўз даврида раҳбарият, ҳокимият томонидан турли тўсиқларга учраган Ҳайрил Анвар ижоддан тўхтамай, шеърлятида рамзийликни ташбеҳу истиора, киноя воситаларида ифодалашда давом этди.

Ҳайрил Анвар 1922 йил 26 июлда Шарқий Суматра оролидаги Меданда таваллуд топган. У ерда бошланғич таълимни олгач, ўқишини голланд ўрта мактабида давом эттирди. Оилавий шароити кўтармагач, 1940 йилда у Жакартага келди. 1943 йилгача бўлгандаврда у ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ, 1943 йилдан бошлаб унинг шеърлари уни машҳурлик шохсупасига олиб чиқди. У 27 ёшида тиф касаллиги туфайли Жакартада вафот этади.

Ҳайрил Анвар шеърларини уч фаслда нашр қилганлар.

- 1) “Деру тжампур дебу” 1949
- 2) “Керикил таджам дан Жанг путус ” 1949
- 3) “Тига менгак такдир” 1950

3-фасл тўпламида 1 ва 2 чи фаслда нашр этилган баъзи шеърлари такроран берилган.

Бундан ташқари Ҳайрил Анварнинг кўпгина шеърлари турли журналларда нашр қилинган бўлиб, шу кунгача бир тўплам шаклига келтирилмаган.

Ҳайрил Анвар 6 ярим ёшидан шеър ёза бошлайди. У умри давомида 69та оригинал шеърлар ёзиб, шу оригинал, ҳеч қимниқига ўхшамаган, ўзига хос шеърлари билан индонез адабиётида бурилиш ярата олди.

Тадқиқотчи Яссин ўзининг “Ҳайрил Анвар 45-йиллар авлоди асосчиси” номли китобида Ҳайрил Анвар ҳаёти ва ижодини ўрганар экан, ўз даврида

Анварни плагиаторликда айблаган танқидчиларнинг танқидлари асоссиз эканлигини шоир шеърларини тадқиқ қилиш орқали исботлаб беради.

Анвар шеърляти мутлақо янгича кўринишда, анъанавий шеър тузилишидан жуда катта фарқ қиларди.

Индонезия Япония қамровида қолган йилларида Ҳайрил Анвар шеърларини цензура сабаблари рўқач қилинган ҳолда нашр этишни тўхтатиб қўйишди. 1945 йилдан кейингина шеърхонлар унинг асарларидан баҳраманд бўла олдилар.

Ҳеч бир индонез адиби ёки шоири Ҳайрил Анвар каби кўпгина турли тўсиқ ҳамда салбий ва ижобий муносабатларга эга бўлмаган эди.

Уни шундай тасвирлашади: "Анвар дадил.чўрткесар, ўзини севувчи, фаол, ўт- олов йигит эди."

Анвар учун умумий қабул қилинган ҳаёт меъёрлари йўқ эди гўё. У истаганича чегара чизигини босиб ўтиб кетарди. Лекин у ҳаммага бир хил муносабатда бўлар, одам танлаб муомала қилиш, лаганбардорлик, тилёғламалик тушунчалари унга мутлақо ёт эди.

Шоир ҳеч бир жойда қўним топмас эди. Доим бир уйдан иккинчи уйга, меҳмонхонага меҳмонхона кўчиб юрарди.

Анвар тез ва осон шеър ёза олувчи шоирлар сирасидан эмасди. У баъзида умуман шеър ёза олмас эди. Баъзи кунлари эса бир мисрадан уёғига ўта олмасди. Умуман олганда, Анвар шеърлари бир маромда ёзилмас эди.

Энг маҳсулдор даври 1943-1946 ҳамда 1948-1949 йилларга тўғри келади. Бошқа йиллари эса йилига 3 та 4 та шеър ёзарди ёки ёзмас эди. У бир шеър устида ҳафталаб, баъзан ойлаб ўтирар, ёзавериби, очираверганию, энг маъқул ва мос сўзларни топгунча шеър устидан кўриб чиқаверганига унинг қоралама нусхалари орқали гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Анвар ҳаттоки шеърлари нашр қилиб бўлингач ҳам, ўзи хоҳлаганчалик поэтик эффектга эришмагандек ҳис қиларди.

Анвар ижодида икки тушунча етакчи ўрин тутарди,

Биринчиси “Виталитет” – Ҳаётий фаоллик, ҳаёт кучи бўлса, иккинчиси “кеиндаҳан”- Гўзаллик тушунчаларидир.

Анвар гўзалликни –мувозанат, ҳаётни ҳаракатлантирувчи синтез деб тасвирлайди. Унинг фикрича санъатда ҳаётий фаоллик кўп лекин гўзаллик жуда кам эди. У шеъриятида гўзаллик сари кўп интилни.

Анвар кўп шундай дерди.: “Мен кўп ўқишим, ўрганишим керак. Шу менинг кучсиз томоним.”

Ўзининг доимий корреспондентига Анвар аслида у расом бўлишни орзу қилганини ёзади. Шоирлик унга бир ҳавасдек машғулоти эди холос.

Левертон Анвар ҳақида: “У шундай ҳақиқий шоир эдики, у шоирликни ўзига касб қилган ёки ўта жиддий машғулоти деб қарайдиган шоирлардан эмас эди. У шоирликни танлаган эмас, у шоирликка танланган, кучли қобилият ва истеъдод эгаси эди.”¹²

Анвар шундай дерди: “Агар мен ўлсам мен тўшакда ўлишни хоҳламайман, мен кўча ўртасида ўлишим керак.”

У унинг рангли, озғин,бироз кўримсизгина йигит эди. Кўзлари қизил ва жуда ёввойи эди, аммо ўта ўйчан нигоҳларга эга эди. Ҳаракатлари, юришлари ҳам жуда сокин ва бепарво эди.¹³

Анвар ўз даврида фикрини ифода этиш, ҳиссиётларни етказиб бериш, ижодкорликка ҳалал берувчи омилу анъаналардан йироқ ҳолда шеърлар ёзди.

Голланд шоирлари Марсман, Слауерхофф ва Перронларнинг экспрессионализм асосида ёзилган шеърларида таъсири остида Анвар “еркин шеър” (верлибр)ни индонез шеъриятига олиб кирди.

Анъанавий чегаралар ва поетика қонун-қоидалари “еркин шеър” шаклига тамоман зид эди.

“Еркин шеърлар” анъанавий шеърлардан фарқли равишда индонез адабиётида катта имкониятлар кўрсата олди.

¹² Denise Levertov, The Poet in the World. New York: New Directions, 1973. Page 236.

¹³ The development of Modern Indonesian Poetry. Albany: State University of New York Press, 1967. 80-81.

Анвар шеърнинг экспрессионалистик шаклини ўша давр шеърият шаклига айлантира олди.

Анвар шеърияти ва умуман “45-йил авлод” шеъриятининг барча оқимлари Пужанг Бару” шеърияти шаклига бўлган хужум эди.

Анъанавий шеъриятда шеърнинг ритмик мувозанати, қоидалари янги “баҳаса Индонесиа” (индонез тили) нинг расмий равишда вужудга келишига тўсқинлик қиларди.

Эркин шеърларда эса жонли нутқда қўлланиладиган сўзлардан фойдаланиш, тилнинг ўзига хос характери ни шеър орқали ифодалаш, ҳамда фақат индонез тилигагина хос бўлган ўзлашма сўзларни индонез тилидаги суффикс, инфикс, префикс билан бирлаштириш орқали янги ҳосил бўлган индонезча сўзларни қўллаш Индонезияда “баҳаса Индонесиа” атамаси вужудга келишига ўз ҳиссасини қўшди.

Индонезиянинг ёш шоирлари янги тилда ҳақиқатда янги бўлган янги поезия яратишга уринар эдилар. Ҳар бир шоир индонез тилида тажриба йиғар ва ундаги адъекватив шаклларни қидирар эди.

Умуман олганда индонез ҳамда малай адабий тиллари орасидаги фарқ унча катта эмас, Лекин Ҳайрил Анвар каби шоирлар шеъриятида булар орасидаги фарқ яққол кўзга ташланади.

Индонез тили малай тилидан аффиговатив шакллари билан ажралиб туради. Юқорида таъкидлаганимиздек, чет тилидан кирган сўзларни ке – префикси, ан-аффикси ҳамда бер-префикси, ан-аффикси орқали (ке) индонез тилига мослаштиришга хизмат қилувчи сўз ясовчи аффикслар малай тилида мавжуд эмас. Шу билан бирга фақат индонез халқи орасида тушунарли, аммо адабий тил луғатига киритилмаган индонезча сўзларнинг шеъриятда мунтазам қўлланиши Умуммалай тили мақоми даражасини ўзгартиришга ҳисса қўша олди.

Ҳайрил Анвар “сўз шеър”ни чиқитга чиқариб, ўзининг услуби бўлмиш “еркин шеър”ни унга қарама қарши қўйди. Лекин бундай зидлик тўғри эдими?

Биринчидан, Анварнинг “еркин шеър”и шаклини таҳлил қилар эканмиз, “сўз шеърлар”га қараганда ҳайратга солувчи томонларини кўрсакда, лекин “сўз шеърлар” билан ўзаро ўхшашлик тарафларини кузатиш мумкин.

“Сўз шеър” ҳамда “еркин шеър”нинг ўхшашлиги шунда эдики, ҳар икки шеърда ҳам, асосий эътибор ва аҳамият бўғин-ҳижога эмас, аввало сўзга қаратилади, Чунки “еркин шеър” ҳам “сўз шеър” каби сўзларга асосланади. Шунинг учун ҳам “сўз шеър” билан “еркин шеър”ни бир-бирига зид қўйиш тўғри бўлмайди.¹⁴

Бошқа томондан, Анварнинг эркин шеърлари фолклорга хос бўлган миллий халқ эркин шеърлари – мантрага қисман асосланган деб айтиш мумкин.

Ҳайрил Анвар шеърларини бир ўқишда тез ва аниқ тушуниб олиш мушкул. Баъзида сўзлар ва фикрлар кетма-кетлиги бир-бирига қовушмагандек, фикрлар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик узилгандек туюлади. Уни қайта ўқиб, куйинчаклик билан ёзилган фикрларни илғаб олиш мумкин.

Б.Раффел Ҳайрил Анвар шеърларини Стравинский мусиқаларига қиёслайди. Агар Стравинский мусиқаси ритмик асосда бўлса, мусиқа тўхтовсиз ҳаракатда бўлади.

-Анварда ҳам худди шундай, унинг шеърларида “пульс берувчи вазнли тароналарнинг мустаҳкам қўлланиши” мавжуддир, -дейди Б.Раффел.

Шоир ифода этиши мумкин бўлган асбоб-ускуналар бу интуитив тарзда қўллаётган тил манбаларидир. Баланд ва паст товушларни манипуляциястик (чигал ва қаттиқ ҳаракат қилиш) қилиш воситасида маълум образга эришиш мумкин. Сўнг бу образ ичида вазн яратган ҳолда, ритм билан бирлаштириш мумкин. Сўзнинг мусиқийлиги поетик шаклни аниқлашга ёрдам беради. Шеър оғир ва майин ёки енгил ва тез бўлиши мумкин. Шоир ўткир эҳтиёткорлик ва заҳмат билан излаган, топган сўзлари унинг поетик ғоясини тоғри етказиб беришга хизмат қилади.

¹⁴ А.Теу. www.google.com/indonesianliterature

Ҳайрил Анвар ижоди натижасида:

- “Янги авлод” шеърятига асос солинди;
- Индонез адабиётига мутлақо янгилик бўлган экспрессияли эркин шеър поетик шаклини шеърятга олиб кирди;
- У талабчанлик билан ва қаттиқ туриб олган ҳолда ижоди орқали индонез тили қурилишига ҳисса қўша олди;
- Унинг шеърларида ғарб верлибрларининг таъсири сезилади;
- Ҳайрил Анвар ўз шеърятини ҳақида “Барчаси мутлақо янги” деб таъкидлаган бўлса-да, ғарб верлибрлари билан бирга индонез фольклор адабиётига тегишли мантарнинг таъсирини тадқиқот жараёнида кузатиш мумкин.

Верлибр – франсузча *verse* ва *либре* сўзларидан келиб чиққан бўлиб, “еркин шеър” деган тушунчани англатади. Бу шеър шакли XX асрга тегишли бўлиб, кўпгина танқидларга учраган. Чунки бу шеърда на вазн, на рифм, на ҳажм ва узунлик бордир.¹⁵

Верлибр чўзиқ ва қисқа унлилар мутаносиблигига, мисраларда урғулар сони ҳамда қофиянинг аҳамияти бўлмаган шеърдир.¹⁶

Мантра – Санскрит тилидан олинган бўлиб, मन्त्र “руҳий ҳаракат асбоби” деган маънони бериб, индуизм ва буддизмга бағишланган гимн ҳисобланади.¹⁷

ИИ БОБ

ҲАЙРИЛ АНВАР ШЕЪРЛАРИНИНГ ТЕМАТИКАСИ

Маълумки, шеърнинг тематикасини, шоир назарда тутаётган мавзунини аниқлаш бироз мушкул. Шеър мавзусини яхши ва теран тушунмоқ учун биз

¹⁵ <http://slovar.lib.ru/dictionary/verlibr.htm/> Источник - Руднев В. Словарь культуры XX века

¹⁶ <http://slovar.lib.ru/dictionary/verlibr.htm/> Источник - Тимофеева, Л.И., Венгров, Н.П. Краткий словарь литературоведческих терминов. - М.: 1963. - с.137.

¹⁷ ↑ Индуизм. Джайнизм. Сикхизм / Под общ. ред. М. Ф. Альбедиль и А. М. Дубянского. — М.: Республика, 1996. — С. 262. — ISBN 5-250-02557-9.

шоир ҳаёти ва ижоди ҳамда унинг қарашлари, шунингдек, у яшаган давр ҳақида хабаримиз, маълумотимиз, тушунчамиз бўлиши керак.

Шеър тематикаси ҳақида кетирилган таърифлардан баъзиарини келтириб ўтишни лозим деб топдик. <http://www.wisegeek.com> сайтида қуйидагича маълумотлар келтирилади:

“Тҳе тҳеме оф а поем реферс то тҳе ундерлйинг субжест тҳе поем диссуссес. Тҳоуғх тҳере аре ҳундредс оф дифферент популар поетрй тҳемес, северал сонсептс ҳаве провед эндуриг асросс агес, формс, анд султурал дивисионс. Лове, натуре, ҳисторй, религион, анд деатҳ аре соме оф тҳе мост соммон поетрй тҳемес ин неарлй эверй тйпе оф поетрй.”

Шеър мавзуси шеърда муҳокама қилинаётган мавзу билан боғлиқ бўлади. Шеърнингуйздан ортиқ турли машҳур мавзулари бўлишига қарамасдан, кўпгина концепсиялар шеър тасвирлаётган давр, шеър шакли ҳамда маданий тафовутларга кўра аниқланади. Севги, табиат, тарих, дин ва ўлим мавзулари шеърятнинг ҳар бир турида учрайдиган умумий мавзулардандир.”

Ҳайрил Анвар шеърятда ҳам оммавий мавзулар: ватанпарварлик, севги, ўлим ва ҳаёт ҳақидаги мавзулар қузатилади. Шунингдек, унинг шеърлари кучли ва чуқур фалсафий мушоҳадани ҳам талаб этади. Биз қузатишларимиз жараёнида энг кўп учраган уч мавзунини мазкур тадқиқотимизда таҳлил этишни лозим деб топдик. Шоир шеърятда энг биринчи ўринда турадиган, ёзган шеърларининг энг кўп миқдорини ташкил қиладиган мавзу – бу ватанпарварлик руҳидаги шеърлардир. Ундан кейин эса, тушкун кайфиятдан фақатгина ўлим қутқариши мумкин деган ақидани илгари сурган “Ўлим мавзуси” ёритилган асарларининг гувоҳи бўлдик. Ундан сўнг эса, биров камроқ даражада, аммо ўзига хос оригинал тарзда, услубда ёритилган “севги мавзуси” таҳлили тадқиқотимизнинг ушбу бобининг муҳим қисмларидан биридир.

2.1 Ватанпарварлик руҳида яратилган шеърлар таҳлили

Ҳайрил Анвар шеърятини ўрганар эканмиз, шеърларини таржима қилар эканмиз, Анвар шеърятининг бош гултожи, шеърларининг асосий мавзуси ВАТАН деб айта олишимиз мумкин.

Шоир шеърларини бир марта ўқиганда, у шеър кимга мурожаат қилинаётганини балки англаш мушкулдир. Лекин зўр маҳорат билан ёритилган мазкур мавзуда, ватанда юз бераётган нобакорликлардан чекилаётган изтироблару азоблар, ватанда содир бўлаётган иллатлар, нохушликлар, уларни бартараф этиш ўйлари, ғоялар, ватан, тупроқ, халқ инқирозини кўра билиб, чидаб тура олмаслик хусусиятари ва кечинмалар мужассамдир.

Фикрларимиз исботи сифатида мисол тариқасида, ватанпарварлик руҳида ёзилган шеърларидан бирини келтирсак-да, унда яширинган ҳилқат - ВАТАН мавзусини ёритишга ҳаракат қилсак:

ПЕНЕРИМААН

Калау кау мау кутерима кау кембали

Денган сепенух ҳати

Аку масих тетап сендири

Кутаҳу кау букан янг дулу лаги

Бак кембанг сари судаҳ тербаги

Жанган тундук! Тентанг аку денган берани

Калау кау мау кутерима кембали

Унтукку сендири тапи

Седанг денган сермин аку энган бербаци.

Марет 1943

Қабул қилиш

Агар қайтариб қолмоқ истасанг
Бутун юрагинг-ла хоҳишинг берсанг
Мен ҳамоно ўзим-ла ўзим

Биламан, бўлмассан аввалги яна
Гўё гўзал гулсан шоҳлари яра.

Эгилма! Тиз чўкма!
Қарши ол мени мағрур бош ила.

Агар қайтариб олмоқ истасанг
Яралганман мен
Ўзимчун ўзим
Энди шу биргина кўзгум
Ила синишни мен истамагум!

Бу шеър ватан билан шоирнинг ўзаро суҳбатидек туюлади. Шоир агарда, ватанимизнинг ўша олдинги, қачонлардир бўлган гўзал онлари, фаровон ҳаётини қайтариб олмоқни мақсад қилсак, буни чин дилдан хоҳлаб, бутун юрак билан ҳаракатга киришмоқ даркорлигини таъкидлайди.

Ватан шоҳлари яра бўлган гулга қиёсланаётган экан, ватан учун дилнинг тубидан чиқаётган қайғуриш, изтироб ҳиссиётлари сезилади. Шоир ватанини доимо чакнаб, яшнаб турган гулаг қиёслаб, аммо ҳозирги кунда кўринишидан чиройи, аммо бизга кўринмайдиган томонлари –гулнинг шоҳларида яралар борлигини фош этади.

Шоир ватанга Эгилма! Тиз чўкма! деб мурожаат қилади. Яъни мустамлакачилар буйруғию ўзбошимчаликларига ўз халқининг бўйсунуши, доим улар айтганидек қилишини ҳазм қила олмайди. У ватанини ҳамиша мағрур бош билан олға қадам ташлашини хоҳлайди.

Шоир “кўзгу”си яъни ватанини яна аввалги ҳолатидек гуркираган даврини қайта кўриш илинжи йўқолишидан кўрқади.

Кўриниб турибдики, мазкур шеър тамомила ватанпарварлик, ватан учун қайғуриш ҳиссиётлари билан ёғрилгандир.

Ватанининг, халқининг яхши кунларига умид бағишлаган, айни дамдаги ҳолатидан азият чеккан шеърни таҳлил қиламиз:

Ҳампа

Сепи ди луар. Сепи менекан мендесак.

Лурус каку поҳонан. Так бергерак

Сампаи ке пунсак. Сепи мемагут,

Так сату куаса мелепас-ренггут

Сегала менанти. Менанти. Менанти.

Сепи.

Тамбаҳ ини менанти жади менсекик

Мемберат-менсекунг пунда

Сампаи бинаса сегала. Белум апа-апа

Удара бертуба. Сетан бертемпики

Ини сепи терус ада. Дан менанти.

Бўм бўш

Ташқари сокин. Тиғизлик ва босим ҳам – Сукунат.

Баланд ва беўхшов дарахтлар – беҳаракат.

Баланд чўққиларгача ҳамон,

Даҳшатли сукунат ҳукмрон.

Билмадим, куч ва жасурлик

Ўзидан воз кечдими, қилиб кўрқоқлик?!

Бари кутмоқда. Кутмоқда ҳамон

Жимжитлик.

Бу кутиш этарми давом?!

То бўғзингга тиқилиб тамом.

Оғирлашаман. Елкадан кетиб қувват, куч

Бари бўлгунча вайронаю пуч
 Ҳали ҳеч гап йўқ
 Гиёҳ ҳавоси эсади шўх
 Ўша сукунат ҳали ҳукмрон.
 Кутмоқдамиз, кутмоқда ҳамон.

Бунда инсонлардаги бепарволик, ҳеч ким бўлаётган адолатсизлигу нотўғри тизимга ҳеч қандай қарши фикр билдира олмайдилар. Ўзлари баланд яъни ёши катта ёки юқори унвонда бўлса-да, беўхшовгина дарахтлар каби беҳаракат қолганлар. Ҳаттоки энг ёши улуғу кўпни кўрган, зиёлилар ҳам чўққига ташбеҳ қилиниб, улар ҳам гўёки гунг ва соқов.

Шоир изтиробда... Ватан учун курашадиган мард оғлонлар йўқлигидан, уларнинг жасурлигию забардастлиги йўқолиб бораётганидан юраги ачимоқда.

Лекин шунда ҳам ёруғ кунлар келишига умид боғлаб, у кунларни зор интизор кутмоқда. Шунчалар кутмоқдаки, юраги торлашиб, гўё кимдир унинг томоғига пичоқ тақаётгандек ҳис қилмоқда. Шунчалар мунтазирки, кутиш азобидан бутун баданидан қуввати тугагунча беҳолликка юз тутмоқда.

Гиёҳ –“бертуба” –ътуба” индонез тилидан таржима қилганимизда, доривор ўсимлик маъносини беради. Яъни гиёҳ ҳавоси- унинг дардига малҳам бўладиган умид ифори сезилмоқда эканлигини шеърининг мисраларида моҳирлик билан таърифлайди. Шеър сўнггида ҳам дориломон кунларга бўлган умид ҳали ҳамон бор эканлигини “Менанти, менанти” - “Кутмоқдамиз, кутмоқдамиз” деган мисралар билан якунлайди¹⁹⁸⁵.

Ватанпарварлик руҳидаги шеърлар тадқиқоти жараёнида, Ҳайрил Анвар асосан Ватан учун чеккан изтироблари, унда бўлаётган иллатларга танқидий қарашлари, ва Ватан равнақи учун баъзида сезилар, баъзида сезилмас умид учқунлари билан ёзганлигини кузатамиз.

2.2 Ўлим мавзусини ифодалаган шеърлар таҳлили

Ҳайрил Анварнинг баъз шеърларини мутолаа қилар эканмиз, изтироблар якуни, азоблар ечими –ўлим деган тўхтамга келган шеърларни кўп учратамиз. Баъзи бошқа шоирлар шеъриятида, ўлим мавзусида ўлимдан бўлган кўрқув ифодаланса (масалан, Жохн Донне шеъриятидаги каби)¹⁸, Анвар шеъриятида ўлимни мағрурона, қаҳрамонларча қарши олиш ғояси илгари сурилади.

Так сепадан

Аку кира:

Бегинилаҳ нанти жадиня

Кау кавин, беранак дан бербаҳагия

Седанг аку менгембара серупа Аҳасверос*

Дикутук-сумпахи Эрос**

Аку мерангкаки диндинг бута

Так сату жуга пинту тербука

Жади баик жуга кита падаму

Унггунап апи ини

Карена кау тидак “кана па апа”

Аку терпангган тинггал рангка.***

- *Аҳасверус – қадимий форс тилида: Хшайәрша. қадимий эрон подшоҳи¹⁹
- **Ерос – Грек мифологиясида Севги ва Мафтункорлик худоси
- *** рангка – суяклар сақланадиган хум

Номуносиб

Ҳаёлга чўмаман:

¹⁸ <http://www.enotes.com/death-not-proud-john-donne>

¹⁹ <http://en.wikipedia.org/wiki/Ahasuerus>

Улғайдинг сен йигит буйб,
 Бахтли эдинг ота бўлиб
 Сайр қилардинг бемақсад, беҳолд
 Ахасферосга ўхшаб ўшал он
 Эрос қасамига бўлсин лаънатлар
 Кўринмас девор томон эмаклайман ер тишлаб,
 Биргина эшик қулфин очолсам эди, ё Раб.
 Содик бўлай деб биз сенга
 Гулханнида олдирдик аланга
 Зеро ҳеч нима қилмайсан сен
 Хум ичида қоламану ёнаман мен

Бу шеърда шоир ўзининг ҳаёт йўлини ёзиш билан бирга, грек мифологиясида севги ва мафтункорлик худоси деб ишонилган Эрос фалсафасини инкор қилади, ҳаёт йўлини пуч ва арзимас деб топади. Гўзал ҳаёт йўллари ёпиқ, эшиклари қулф, ҳаёт деб аталмиш девор ҳам сароб каби, узоқдан кўринар, аммо аслида йўқ. Ҳаётга қанча содик бўлсак, унинг шарафига гулханни алангалатгандек катта ишлар қилсак-да, у бизга ҳеч нарса бермайди. Ана шу фикрларни Анвар мазкур шеърда илгари суради. Шоир суяклар сақланадиган хумга танаси киришини, ёниб кул бўлишни, яъни ўлим билан юзлашишни баридан афзал кўради.

Қуйида келтирилган шеърда ҳаёт зулматга тенглаштирилиб, сув тубига ғарқ бўлиб, ҳалок бўлиш ечими билан якун топади.

Малам

Мулаи келам

Белум бунту малам

Ками масиҳ сажга бержага

--Тҳермопйлае?-

-Жагал тидак дикенал?-

Тапи нанти

Себелум сианг мембентанг

Ками судах тенггелам хиланг

Тун

Зулмат кириб, бас

Бу тун тугамас

Лекин биз бедор

Ким у савдогар?

Ўтиб оз фурсат

То тунга етмай

Сув тубига ғарқ

Бўлдик, йўл топмай

Мазкур шеърда ҳаёт зулматга тенглаштирилиб, сув тубига ғарқ бўлиб, ҳалок бўлиш ечими билан якун топади.

2.3 Севги мавзусидаги шеърлар таҳлили

Ҳайрил Анвар шеърлятида севги мавзуси ҳам алоҳида ўрин тутати. Шоир шеърларида кўпинча етиша олинмаган, армонга айланган севгини куйлаш билан бирга, бу мавзудаги шеърларида ҳам пессимистик руҳ ва баъзида умид учқунларини ифодалаган руҳият етакчилик қилади.

Шоир шеърда романтик тасвирларга жуда чуқур киришилмаган, оддий ва тушунарли сўзлар билан ёзилган. Анвар севги мавзусидаги шеърларида ҳижрон, айрилиқ, ёлғизлик, армон, аламзадалиқ каби туғёнару кечинмалари акс этади.

Сиа сиа

Пенгҳабисан кали иту кау датанг

Мембава кембанг беркаранг

Мавар мераҳ дан мелати путих

Дараҳ дан суси.

Кау тебаркан депанку

Серта панданг янг мемастикан: Унтукму.

Судах иту кита сама термангу

Салинг бертаня: Апакаҳ ини?

Синта? Кедуаня так менгерти.

Сехари иту кита берсама. Так ҳампир-менгхампири.

Ах! Ҳатику янг так мау мембери

Мампус кау дикояк-кояк сепи.

Бефойда

Охирги лаҳзада буюрдинг ташриф

Келтирдинг гуллар беўхшов, ғариб

Қизил атиргулу оппоқ ул жасмин

Қип қизил қон ва муқаддаслик

Гулларни ташладинг пойимга

Юзингда ифода дерди: “Бу сенга!”

Иккимизда ҳам ажиб бир ҳайрат

Бир биримиздан сўрардик: Нимадир бу, айт.

Севгими? Тушунмаймиз на сен, на мен

Оҳ, истамади қалбим бермоқни, шаксиз

Ўлимингдан сўнг кимман, ёлғиз, кимсасиз

Мазкур шеърда эриша олинмаган ва кечиккан муҳаббат ҳақида кечинмалар ифода этилмоқда. Бу севги жуда кеч унинг қалбига келгану лекин зум ўтмай уни тарк этган. Қизил атиргул бу севгининг нақадар гўзаллиги бўлса, уятчан нигоҳи оппоқ жасмин унинг пок ва беғуборлигига ишора этмоқда. Лекин бу севги изҳор этилмаган сўзсиз муҳаббатдир. Иккиси ҳам тушунарсиз туйғуда, у мени севармикан деган ҳадикда. Аммо, шоир анъанасига содиқ қолган ҳолда, муҳаббат мавзусини тараннум этган бу шеърда ҳам якум ўлим билан хотималанади. Ошиқнинг севгилиси дунё билан ҳайрлашди. Энди ошиққа яшашдан не фойда? У ёлғиз ва кимсасиз. Бу шеър беғубор аммо эриша олинмаган муҳаббатга бағишлангандир.

Мазкур бобга хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Ҳайрил Анвар шеърлятида ватан, ўлим, севги, ҳаёт, умид, она, диний мавзулар, жамиятдаги иллатлар танқиди етакчилиқ қилган ва уларнинг аксариятида тушкун кайфият, изтироб ва ачиниш ҳиссиётлари аниқ сезилиб туради. Лекин унинг шеърлярида мағрурлик, душман юзига тик қараш, ўзини доимо баланд тутиш, бундай разолатли ҳаётдан ўлимни шарафли деб билиш, ўқувчини қарши курашга, эзгу амаллар бажаришга чорлаш ғоялари муҳим ўринни эгаллайди.

ҲАЙРИЛ АНВАР ШЕЪРИЯТИДА РАМЗЛАР КЎЛАМИ

Рамз арабча “ишора қилмоқ” маъносини бериб, воқеликнинг бадиий акс эттиришнинг шартли усулидир. Рамз образли қурилиши билан богглик бўлиб, кўпмаънолилик хусусиятлари билан ажралиб туради. Рамзийлик таҳлилида ҳар бир тадқиқотчи илмий ва амалий, қолаверса ўзининг кечинмаларию қарашларидан келиб чиққан ҳолда ёндошади. Биз ҳам манба ҳамдалар ўз мустақил фикрларимизга таянган ҳолда рамзийликни таҳлил қилишга ҳаракат қилдик.

“Рамз – маъно ва мақсадни ишора ва имо воситасида ифодалаш; Бир хил мослик ва ўхшашликка риоя қилинган сўз ва ибора ёки ҳатто мослик бўлмаган ёт маънони ифодалаш.”

Бу келтирилган таърифни соддароқ қилиб айтилса, ёзувчи бирор табиат ва жамият ҳодисаси ёки назарий қарашларини шартли белгилар – шартли сўз ёки ибора билан ифодалашга айтилади. Бу сўзнинг деннотатив ва коннотатив маънолари умумтил сатҳида тил эгаларига маълум ёки шоир ўз ўзи янгида қўллаган шартли сўз бўлиши мумкин.²⁰

Фикримизча, рамзийликни таҳлил қилишнинг ўзи ҳам тадқиқотчини маълум бир маънода ижоди ва кашфиётидир. Чунки маънолар яшириниб ётган ҳилқатдан, жумбоқдан тўғри фикр, мазмунни излаб топиш билан тадқиқотчи ҳамда адабиётга қизиққан ўқувчининг нафақат рамзийлик борасидаги билимлари ўсади, балки, ҳаётда ҳам ҳар бир нарсадан рамз қидиришга уринадиган бўлиши келгуси адабий ва тадқиқот ишларда ҳар бир ишга теранроқ киришини таъминлаб беради.

“Адабий тилда 1-даражали эстетик вазифа, бадиий адабиёт тилида эса оилй даражали эстетик вазифа намоён бўлади. Бадиий матнда фикрнинг образли, кўп маъноли ифодаси биринчи ўринда туради.”²¹

Эроншунос олим А.Қуронбеков рамзга таъриф беришда қуйидаги фикрларини келтиради:

²⁰ Ahmadjon Quronbekov. Adabiy majoz, irfoniy ramz va timsollar. Badiiy adabiyot va tasavvuf timsollari. Toshkent. 2010. 54-bet.

²¹ Федлеров .И. Образная речь. – Новосибирск. Наука, 1985. С. 11

“ ... Шоирнинг хатти-ҳаракати сиркдаги санъаткорларнинг оддий рўмолчалар билан намоиш қиладиган хунарига ўхшайди. Артист оддий рўмолчанинг ўзидан ўнлаб хунар кўрсатади: иккитасини боғлаб қўйиб буклаб-буклаб очса, иккаласи ҳам алоҳида бўлиб қолади, рўмолчани ўраб туриб ичидан ўнта рўмолча ясайди ва ҳ.к. Ҳолбуки, оддий инсон қанча уринмасин, битта рўмолчадан ҳеч нарса чиқаролмайди.

Шоир – сўз сеҳргари. Оддий сўзларни ишлатиб, санъати билан ундан гавҳар шодаларини яратади. Бу яратгандуру- гавҳарлардан ҳар ким ўз дид-савиясига яраша завқ олади.

Шунинг учун, бадиий асарда ҳар бир ишлатилган сўзни бадиий санъат воситаси деб қараш керак ва унинг том маъноси билан чегараланиб қолмасдан, бу сўз орқали ёзувчи ёки шоир ифодаламакчи бўлган фикрни англашга диққатни қаратмоқ керак. Бадиий асардаги, айниқса, шеърий асардаги сўз оддий сўздан фарқли ўлароқ бадиий рамз, тимсол, сермаъно нишонадир.²²

Кузатишлар натижасида ушбу фикрга келиш мумкинки, рамзларнинг сермаънолиги ёзувчи ёки шоир фантазиясининг даражасига, истеъдодига, шунингдек, ўша ёзувчи ёки шоир яшаб ўтган давр ғоявий оқимларига, ҳамда мафкураларга боғлиқдир.

Биз ўрганаётган шоир ҳам ўз даврининг инқилобий мафкуралар асосчиларидан бири тимсоли сифатида ўз ижоди намуналари орқали намоён бўлгандир.

Маълумки, табиатда нур ва соя доим мавжуд бўлганидек, ҳар бир етакчи мафкурага нисбатан албатта зид мафкуралар бўлади.

Фалсафа қонуниятининг 2-қонунига кўра ҳаётимизда бор ҳодисалар, фикрлар, ҳолатлар албатта ўзининг муқобил, яъни қарама-қарши вариантыга эга.

²² Ahmadjon Quronbekov. Adabiy majoz, irfoniy ramz va timsollar. Badiiy adabiyot va tasavvuf timsollari. Toshkent. 2010. 88-bet.

Шундай экан, ҳар қандай ғоя ва мафкура, у қанчалар кучли ва жамият талабларига асосли равишда жавоб бермасин, зиддиятларга дуч келиши табиий ҳолдир.

Ҳайрил Анвар ўз шеърияти билан ўша даврда мавжуд бўлган ҳукмрон ғоялар, ҳоким мафкурага нисбатан исён кўтариб, унинг камчиликлари устидан кучли истехзо ва киноя орқали кулади.

“Бундай ҳоким мафкура ва унга зид мафкуралар адабиётда ўз ифодасини топади. Адабий рамзлар замиридаги маънолар тизимидаги бундай ўзгаришлар ва теранликни очиш учун шоир яшаган даврдаги маънавий ва руҳий муҳит калит вазифасини бажаради.”

Ўткир тили, ноҳақлигу нотўғри тизимни беаёв танқид остига олиши, инсонларнинг салбий хусусиятларини устидан шеърлари орқали юмор қилиши оқибатида ўз даврида раҳбарият, ҳокимият томонидан турли тўсиқларга учраган Ҳайрил Анвар ижоддан тўхтамай, шеъриятида жамият ва ҳукумат иллатларини бадиий адабиётда умум маънони берган рамзлар билан бирга, асосан ўзининг ижодигагина мансуб бўлган индивидуал ёндошган ҳолда, рамзларни ифодалашда давом этди.

3.1. “Аку” (Мен) шеърида рамзлар кўлами

Ўз даврида катта шов-шувларга сабаб бўлган ва ҳозирги кунгача мақомини йўқотмаган машҳур шеърларидан бири “Аку” (“Мен”) деб номланади.

Аку

Мелангқаҳкан аку букал туак менггелегак

Сумбу-буатан сату бидуан

Кужауҳи аҳли агама серта лембинг-катаня

Аку ҳидуп

Далам ҳидуп ди мата тампак бергерак

Денган сасар мелебар, барах бернанах
 Дан каданг сату сенюм кукусуп-минум далам дахага
 (8 Жуни 1945)

Мен

Ташлайман қадам – кўпирмоқдами шароб?

Бир созандага қилгин хушомад

Йўқолсин рухонийлару дин пешволари

Сўзлаганлари дарёйи ёлғон

Мен яшаяпман

Ҳаётнинг жўшқин марказида

Яшаяпману ёндирувчи жароҳатим-ла

Йиринг оқаётган шикастларим-ла

Баъзида соғиниб, кўмсаб кетаман

Биргина кулгу табассумни

Ичаман...Юлиб оламан ..

Янги оқим услубида ёзилган мазкур шеърни рамзийликни яхши тушунган ўқувчи тезда англаб олади.

Шеър муқаддимасида, “Ташлайман қадам-кўпирмоқдами шароб?” мисрасида, Ҳайрил Анвар инсоният ҳамиша қадам ташлаб у ер бу ерга югуради, ўзим ҳам қадам ташлаб юрибман, лекин ҳаёт, сиёсат, дунёқарашлар тизими шунчалар ноҳақлигу ўзбилармонликка юз тутганки, замона ҳамда Ҳайрил Анвар каби қизиққон, куйинчаклар юраги, қони изтиробга тўлиб кетганидан шароб мисол кўпириб кетмоқда деган тушунчани ҳам уқиш мумкин. Ёки, иккинчи томондан қарасак, қадам ташлайман-яъни шундай сиёсатга қарши қадам ташлайман, аламдан қоним тошиб кетмоқда деган маъно ҳам шеърда акс этади. Индонез манбалари, ҳамда тадқиқот ишлари билан танишиб шу фикрга келдикки, шароб қон, жаҳл рамзини ифодалаши мумкин.

“Бир созандага қилгин хушомад” мисрасини бир ўқишда фикр билдирилишдан мақсадни уқиб олиш бироз мушкул. Аммо, бунда раҳбарият, ўзини ҳар бир ишда ибрат деб атагувчи дин пешволарининг иккиюзламачилиги, созанда-яъни уларнинг доврўғию “яхши инсон”ликлари ҳақида ўзларига ҳос созлари билан оламга жар солишга ёрдамлашиб юборувчи “нозик оғалар”га ети букилиб таъзим қилишларию, хушомад қилишларини каттиқ танқид остига олади. Кейинги мисралар ҳам шундай дин пешволари кирдикорларига қаратилган.

Шоирнинг бу мисраларида созанда-салбий образ, хушомад қил! деб киноя билан замона зайлини устидан кулмоқда.

Мен яшаяпман

Ҳаётнинг жўшқин марказида

Яшаяпману ёндирувчи жароҳатим-ла

Йиринг оқаётган шикастларим-ла

Бу мисраларда мен шундай яшаяпманки, ҳаммаёғим яра, қон, жароҳат, йиринг булоғи билан, яшаяпман лекин бунақа яшагандан кўра ўлганим яхши деган фикр бор.

“Ҳаётнинг жўшқин марказида” иборасини шундай талқин қилишимиз мумкинки, шундай яхши, тинч замонлар бўлган, ҳақиқат қарор топган тизимлар бўлган, лекин мен айнан алғов далғов замонда яшамоқдаман деган руҳий ҳолат акс этади. Жўшқин ҳаёт- алғов далғовли замон рамзида келиб, салбий характерга эга.

Шоир шунчалар изтиробда, тушкун кайфияту аламли ҳолатдаки, ўз ҳолатини бетиним йиринг оқиб турадиган яра билан яшовчи беморга қиёсламоқда.

Баъзида соғиниб, қўмсаб кетаман

Биргина кулгу табассумни

Ҳаёт шоирни шунчалар эгиб қўйганки, жамият шунчалар тажанглашиб кетганки, биргина самимий табассумни у қачонлардан бери кутади, беғубор, ташвишсиз кулгуни соғиниб ўтади.

“Ичаман...Юлиб оламан ..”

Бу сўнгги мисрада “Ичаман” деганда май ёки шароб эмас, ҳаётдан эзилиб кетиб, шу ҳаёт ташвишию ифлосликлари тўлган қадахни ичимга ютаман. “Юлиб оламан” – юрагимни бағримдан юлиб оламан, яъни у дунёга кетаман. Чунки жажжи юрак бундай тошқин, тўла изтиробли қадахни ҳазм қилишга дош беролмайди.

Ушбу мисраларда қадах –ҳаёт ташвишлари рамзини ифодалаб келмоқда.

Ҳайрил Анвар шеъриятида ўша замоннинг бошқа халқларнинг шоирларида ҳам бўлгани каби пессимистик рух етакчилик қилади ва кўпинча изтироблар ечимини ўлимга тақаб боради.

Унинг шеъриятида ҳам одатий шеърятда ижобий тимсоллар деб қабул қилинган рамзлар салбийликни, баъзи жойларда сатира ва кинояни характерлаб беради. Унинг шеърларини ҳар қанча тадқиқ қилсак-да, ҳар гал янгича маъно ва рамз топишимиз табиий. Бу шоир шу қирралари билан ҳам Индонез шеъриятида муҳим ўрин эгаллаган шоирлардан бири саналади.

Мазкур шеърда ифодаланган рамзларни жадвал тарзида тадқиқот натижасида вужудга келган фикрларимиз, тушунчамиз асносида беришни лозим топдик:

Оригинал вариант (индонезча)	Ўзбекча таржимаси	Англаган маъноси Рамзий ифодаси
Мелангкаҳ	Қадам ташламоқ	Қарши курашмоқ
Туак	Шароб	Изтироблар, азоблар Ғам-алам, изтироб билан тўлган муҳит (у шунчалар торки, бамисли қадахдек)
Сасар Бернанаҳ	Яра Йиринг	Ноҳақлик, адолатсизликка чидай олмасликдан чекилган

		азоб
Далам ҳидуп ди мата тампак бергерак	Ҳаётнинг жўшқин маркази	Алғов – далғовли замон
Минум	Ичмоқ	Май ёки шароб эмас, изтироб, ифлосликларга сабр қилмоқ, уларни ичига ютмоқ

3.2. “Румаҳку” (Менинг уйим) шеърида рамзлар кўлами

РУМАҲКУ

Румаҳку дари унггун тимбун сажак
Каса жерних дари луар сегала нампак

Кулари дари гедонг лебар ҳаламан
Аку терсесат так дапат жалан

Кемаҳ кудиркан кетика сенжакала
Ди паги тербанқ энтаҳ кемана

Румаҳку дари унггун тимбун сажак
Дисини аку бебини дан беранак

Расаня лама лаги, тапи датангня датанг
Аку тидак лаги мераих петанг
Биар берлелеран ката манис маду
Жика менагих янг Сату (27 апрел, 1943)

МЕНИНГ УЙИМ

Менинг уйим шеърлардан қурилган ҳилқат

У бир тиник ойна, ташдан кўринар бари
 Мен кенг ҳовлидан қочдим, югурдим
 Адашиб қолдим, йўлимни ҳеч тополмам
 Оқшом яқин бир чайлага йўлиқдим
 Тонгда уни юлиб, олиб кетибдилар, қайга.. билмадим

Менинг уйим шеърлардан қурилган ҳилқат
 Шу ерда турмуш қурдим, орттирдим фарзанд
 Ҳис қилдим, ҳали кўп кутмоқлик керак
 Лек ташриф лозим бўлса у келар албат
 Мен бу тунга боролмам етиб,
 Асал, ширин сўзлар томчиласин майли..
 Кошкийди, биргинасини ололсанг териб.

Бу шеърда ҳам пессимистик кайфият, замона зайли ҳамда ўзининг беқарор ҳаётининг тасвирини англаш мумкин.

Мазкур шеърнинг маъноси ҳамда рамзлар кўламини таҳлил қилишга имкон қадар ҳаракат қилдик. Таҳлил аниқ ва тўғри бўлиши учун шеърнинг ижодий таржимасидан чекиниб, ҳар бир сўзнинг таржимасини иштирок эттириб шеърни таржима қилдик.

“Румаҳку дари унггун тимбун сажак” - “Менинг уйим шеърлардан қурилган ҳилқат” мисрасидаги “Румаҳ” – “уй” – биз билган яшаш манзилини, бинони эмас, балки кенгроқ маънони англатаётган рамзий ифодадир. “Румаҳ” – у яшайдиган ҳаёт тарзи, ҳаётининг мазмуни, бору йўғи ва қўним топадиган масканидир. У шундай кенг маъноли уйини “унггун –тимбун сажак” - “шеърлар яшириб қўйилган уюм” деб таърифламоқда. Биз шеър таржимасида “шеърлардан қурилган ҳилқат” деб келтиридик.

Демак, унинг ҳаётоининг мазмуни, бутун борлиғи шеърлари экан. Шеърларидан бошқаси унга ёт туйғу. Нега энди улар яшириб қўйилган?!

Улар шунчалар кадрлики, шоирнинг ички яширин кечинмаларига йўғрилгандир. Шоир бор изтиробини шеърига яширади, кўмади.

Шу ўринда аҳамият берсак, Ҳайрил Анвар ҳар бир фикрини тўғридан тоғри ифодаламаслиги, фикрини қандайдир ўхшатишлар, истиора, киноявий воситалар – умуман олганда рамзлар билан ифодалашига, рамзлар орқали яширин туйғуларини ифодалашига ишора қилмоқда. У “ҳар қандай” йўловчининг кўзи тушмаслиги учун бор бойлигини рамзлар ичига беркитиб қўйган.

Лекин иккинчи мисрада шундай ёзади: “Каса жерних дари луар сегала нампак” – “У бир тиниқ ойна, ташдан кўринар бари”. Биринчи мисрада, яширин деб туриб, бу мисрада у орқали барча нарсани кўрса бўладиган тиниқ ойнага қиёсламоқда. Яъни, ташқаридан кучли савия, кенг дунёқараш, чуқур тасаввур, ҳамда соғлом фикр, ҳамда обектив муносабат билан унга назар ташланса, ҳамма нарсани кўрсатиб бера оладиган тип-тиниқ ойнадир. Кир ёки тозалашга талабманд эмас. Шунингдек, бошқаларга ҳеч зиёни йўқ, қайтага шу уй- шеърлар тўпламининг тиниқ ойнаси орқали тиниқ фикр билан ибрат ва хулоса олишга ундовчи даъват ҳам англашилади.

“Кулари дари гедонг лебар ҳаламан” – “Мен кенг ҳовлидан қочдим, югурдим” – кенг ҳовли бу ерда Ҳайрил Анвар яшаб ўтган муҳитни кенг ҳовлига қиёс қилмоқда. “Аку терсесат так дапат жалан” – “Адашиб қолдим, йўлимни ҳеч тополмам” - У қанчалар кенг бўлмасин, Анвар унга сиғмаган. Чунки у ўзи орзу қилган ҳолатни у ердан топа олмаган, натижада шеърлари ила қочишга уринган. Лекин “йўлини йўқотган.” Бу билан Анвар ўзининг беқарор турмуш тарзига ишора қилаёпти десак, иккинчи томондан, у жамиятдан, ҳаётдан ҳалоллик, тўғрисиўзлик ва адолат излаб юрган пайтда, ўша жамиятнинг кўзбўямачилиги, раҳбариятнинг яккаҳокимлиги ва қолоқ мафкуралар ҳали ҳамон ҳукм сураётган пайтида, шоирнинг боши гангиб, нима қиларини билмай қолиб, “йўлини йўқотган.” Яъни ўзи орзу қилган йўлини топа олмаяпти.

“Кемаҳ кудиркан кетика сенжакала

Ди паги тербанқ энтах кемана”

“Оқшом яқин бир чайлага йўлиқдим

Тонгда уни юлиб, олиб кетибдилар, қайга.. билмадим” –

Бу байтда бизнинг наздимизда қуйидагилар ифодаланган:

Индонезиянинг ўша давр тарихига назар солсак, 1945 йилгача Япония ҳукмронлик давридан бери, аҳолининг яшаш тарзи жуда паст даражада эди. 1956 йилги статистик маълумотларга кўра Жакартада атига 150 000 аҳоли иш билан таъминланган бўлиб, 420 000 аҳоли жуда абгор, қашшоқ ҳаёт кечирар эдилар.²³ Анвар яшаган даврларда фоҳишабозлик, кўзбўямачилик, жиноятлар, адолатсизлик жуда авжига чиққан²⁴ бўлиб, бу ҳаётга шунчалар сингиб кетган эдики, “яхши амалларни” , “умид чироғини” жуда кам кўриш мумкин эди. Яъни уни ҳам киши бир илғаб, бир илғамас эди. Ўша киши илғаб илғамаслигини “чошгоҳъга қиёсламоқда. Чунки оқшомда куннинг ғира шира пайти ҳамда энг қисқа они бўлиб, умид чироғи яъни шомда кўринган “чайла”, у қидирган “бошпана”, “езгулик макони” тез тез кузатилмайдиган ҳолатдир. Зўрға кўзимиз илғайдику, лекин тонг отибок, яъни бу ҳолат саробдек йўқолади. Анвар ўзига ўхшаган эзгулик истовчилар, инқилоб тарафдорлари, фаровон ҳаёт сари “Олға!” дегувчиларга қарши турилиши, лозим топилса “чайлани узиб кўтариб олиб кетгандек” уларни ҳам йўқ қилишга тайёрликларини бу шеърида аёвсиз фош қилади.

Ҳайрил Анвар ҳаётини ўрганиш жараёнида, Япониянинг мустамлака даврида Анварнинг шеърлари нашр қилиниши таъқиқланганини аниқладик.

Кўринадики, юқорида келтирган байтимизда шоир Япония ҳукуматининг қўйган таъқиқини ифода қилган бўлиши мумкин.

“Румаҳку дари унггун тимбун сажак

Дисини аку бебини дан беранак”

“Менинг уйим шеърлардан қурилган ҳилқат

Шу ерда турмуш қурдим, орттирдим фарзанд”

²³ Adrian Vickers. A History of Modern Indonesia. Cambridge University Press. 2005. P. 5-6.

²⁴ Adrian Vickers. A History of Modern Indonesia. Cambridge University Press. 2005. P. 5-6.

Анварнинг шоирликка ҳеч қачон касб сифатида қарамаган, шеър ёзиш у учун қизиқиш, орзулари рўёбини беришга умид бағишловчи куч ҳамда бир сўз билан айтганда ҳаётининг мазмуни эди.

“Дисини аку бебини” – “шу ерда мен оила қурдим” жумласидан ҳам сезиш мумкинки, шеърят дунёси унинг борлиғи эди. “Аку беранак” – “Шу ерда “фарзанд кўрдим” – шоирнинг фарзандлари унинг қалбида яшириниб ётган кечинмалари ҳамда фикрида тўлқинланиб, мавжланаётган ғоялари эди.

“Расаня лама лаги, тапи датангня датинг”

“Ҳис қилдим, ҳали кўп кутмоқлик керак

Лек ташриф лозим бўлса у келар албат”

Мазкур мисрани сўзма сўз таржима қилсак: “Туюляптики, (ҳис қилдимки) ҳали анча вақт бор, лекин келадигани келади.”

Нимани ҳали анча кутмоқ керак?! Албатта ёруғ кунларни, ўша ғира ширада кўрилган эзгуликни кўриқлайдиган “макон-чайла” янада кенгайиши ба кўпайиши, разилликлар устидан ғалаба қозонишни ҳали анча кутмоқ керак. Лекин шоир ишонадики, у кунлар албатта келади. Чунки келмоғи даркор, зеро у каби ватанпарварлар, инқилобчилар, соғлом фикр соҳиблари бироз сустлик билан бўлсада етишиб чиқмоқда, озми-кўпми “ўша ёруғ кунлар чироғини” таъмирлаш, янгилаш, қолаверса, қайтадан яшашга ҳиссаларини қўшмоқдалар.

“Аку тидак лаги мераиҳ петанг”

“Мен бу оқшомга боролмам етиб”

Шоир у кунларга етиб боришидан, яъни ўша даврда ҳам яшаётган бўлишидан шубҳада. Бу мисрада “Мен у кунларгача яшамайман” деган маънони уқиш мумкин.

“Биар берлелеран ката манис маду

Жика менагих янг Сату”

“Асал, ширин сўзлар томчиласин майли..

Кошкийди, биргинасини ололсанг териб.”

“Асал, ширин сўзлар”- “тўғри, адолатли сўз ва сиёсат” рамзи ифодаланганини англаш мумкин. “Кошкийди, биргинасини ололсанг териб” деб шоир ўзига ўзи мурожаат қилмоқда. Яъни “қани эди, шу мен орзу қилган даврнинг ҳеч бўлмаса бир онини кўра олсам” деган руҳда ёзилган изтироб, ҳамда умидга тўла мисра билан шоирнинг борлиғи бўлган мазкур шеърининг ҳилқати яқунланган.

Юқорида келтирилган шеърдан кўриниб турибдики, Ҳайрил Анвар бу шеърда ҳам адолатсиз ва ўзбошимча сиёсатдан, замонадан изтиробда, аммо шеър сўнггида бошқа шеърларидан фарқли ўлароқ, бироз бўлса-да умид учкунлари кўринаётган сезилар сезилмас оптимистик руҳни илғаш мумкин.

Оригинал варианты (индонезча)	Ўзбекча таржимаси	Рамзий ифодаси
Румаҳ	Уй	Шеърлари макони, ҳаётининг мазмуни, бутун борлиғи
Каса жерних	Тоза шиша/ойна	Соғлом фикр, бегараз қалб
Гедон лебар ҳаламан	Ҳовлининг кенг уйи	Разилликлар билан тўлиб кетган муҳит
Жалан	Йўл	Олдига қўйган мақсад, орзуга етакловчи йўл
Кемаҳ	Чайла	Узоқдан кўринувчи яъни умид қилинаётган муҳит, эзгулик макони
Сенжакала	Оқшом, ғира-шира пайт	Езгулик содир бўладиган пайт (онда сонда, оқшом каби ғира - шира)

Паги	Ерталаб, тонг	Кўз ўнгимиздаги давр
Бебини	Уйланмоқ	Шеър оламининг ҳаёт тарзига айланиши, шоирлик қилиш
Беранак	Фарзанд кўрмоқ	Шеърлар, гўялар яратмоқ. Фарзанд-асарлар, шеърлар
Петанг	Оқшом	Езгу кунлар
Ката манис/маду	Ширин/асал сўзлар	Тўғри, адолатли сўз ва сиёсат

3.3. “Пенгҳидупан” (Ҳаёт тарзи) шеърида рамзлар кўлами

ПЕНГҲИДУПАН

Лаутан маҳа далам

Мукул дентур селама

Нгужи тенага пематанг кита

Мукул дентуре селама

Ҳингга ҳансур ремук редам

Курниа Баҳгиа

Кесил сетумпук

Сиа-сиа дилундунг, сиа –сиа дипупук. (Десембер 1942)

ҲАЁТ ТАРЗИ

Бепоён буюк бу уммон мавжида

Япроқчалар қирқилиб, йиртилиб кетди

Соҳил матонатин синов авжида

Ғунчалар синикиб, узилиб битди

То улар бўлдилар, чил-чил зарралар

Садақа берилар, бўларлар хурсанд

Халқ ичра торгина, кичик бир гала

Бефойда ҳимоя, нафсиз тарбия

Ҳайрил Анварнинг шеърларини ўқир эканмиз, бир қарашда шеър маъноси тарқоқ, семантик узвийлик йўқдек, тўғри келган сўзлар тизиб ёзилгандек туюлиши мумкин. Кузатишлардан келиб чиқиб, айтишимиз мумкинки, Ҳайрил Анвар шеъриятини тушуниш учун, аввало шоир яшаётган давр ҳолати, жараёни билан танишган ҳолда, унинг ички кечинмаларига чуқурроқ эътибор бериб таҳлил қилсак, олдимизга қўйган мақсадимизга маълум маънода эришган бўламиз.

Шеърнинг рамзий ифодаларига эътибор берсак, мазкур шеър ҳам ўзи яшаган даврини қаттиқ танқид остига олади, ва ўзбекча айтадиган бўлсак, “коса тагида ним коса” ёки ўзининг ўткир рамзлар билан сайқалланган фикрларига ўралган, яширилган ҳиссиётлару изтиробларни англашга ҳаракат қилдик.

“Лаутан маҳа далам” – сўзма сўз таржима қиладиган бўлсак, “Катта/чексиз океан ичида” деган маънони бериб, биз биринчи мисрани “Бепоён буюк бу уммон мавжида” деб келтирдик.

Ушбу мисрада, бепоён океан ёки уммон анчадан бери давом этиб келаётган, чеки йўқдек кўринувчи ҳаёт тарзига ишора қилинмоқда. Ҳаёт ҳам бамисли океан каби, баъзан тинч туради, баъзан майин мавжланиб, ёқимли шабада остида эркаланади, гоҳида тўлқин бўлиб, ҳамма ерни ювиб кетади. Шунингдек, шу ҳаётнинг ичида содир бўлаётган ҳодисаларни “Чексиз океан ичида” мисрасидан кейинги мисраларда рамзлар орқали ифодалайди.

“Мукул дентур селама

Нгужи тенага пематанг кита”

“Япроқчалар қирқилиб, йиртилиб кетди

Соҳил матонатин синов авжида”

“Пематанг” соҳилда сув қирғоқдан тошиб кетишига қарши қўйилган тўсиқ маъносини беради. Яъни ҳаётнинг синовли онларида, “ҳақиқатни

шартта айтадиган” ростгўйлар мавж каби соҳил тўсиғига урилар эканлар, яъни раҳбарият ва руҳоний, дин пешволарига қарши чиқар эканлар, энди унаётган куртаклар – янги оқим вакиллари, ёш шоирлар, инқилобий кайфиятдаги ёшлар уларнинг тўсиқларига дош бора олмай қирқилиб, синиб кетмоқдалар яъни бундай ёшларни жамиятдан улоқтирилиши кўзда тутимоқда.

Мукул дентур селама
 Ҳингга хансур ремук редам
 Ғунчалар синикиб, узилиб битди
 То улар бўлдилар, чил-чил зарралар

“Ғунчалар” яъни ёшлар шунчалик синиш ва харобликка юз тутмоқдалар-ки, ҳатто улар пора пора бўлмоқдалар. “Пора – пора” сўзини шундай рамзий ифодалар билан талқин қилиш мумкин: “Униб ўсиб, етишиб келаётган маърифатпарварлар, ҳақиқатгўйларнинг қалблари синиб, парча парча бўлмоқда”.

“Курниа Баҳғиа
 Кесил сетумпук
 Сиа-сиа дилундунг, сиа –сиа дипупук.”
 Садақа берилар, бўларлар хурсанд
 Халқ ичра торгина, кичик бир гала
 Бефойда ҳимоя, нафсиз тарбия

“Садақа берилар” жумласи халққа кўрсатилган “хўжакўрсин” ёрдамлардан “хурсанд бўларлар” яъни оддий фуқаролар шунга ҳам шуқр қилиб кетаверади” мазмундаги фикрни англаш мумкин.

“Жамият ичидаги торгина гала” ибораси бу ўша раҳбарият ва дин пешволарига нисбатан қўлланилмоқда. Уларни ҳимоя қилиш, қуллаб қувватлаш бари бефойда эканлиги, кун келиб ёруғ кунлар ҳам келишига бўлган ишонч билан шеърга якун ясалган.

Оригинал варианты (индонезча)	Ўзбекча таржимаси	Рамзий ифодаси
----------------------------------	-------------------	----------------

Лаутан	океан	Ҳаёт, ҳаёт тарзи
Маҳа	Катта, бепоён	Узоқ вақт давом этиб келаётган, чексиздек кўринадиган
мукул	куртак	Замона иллатларига қарши бруган ёш хур фикрлилар
Дентур	Дарз кетмоқ, синмоқ, йиртимок	Йўқ бўлмоқ, жамиятдан дафъ қилинмоқ; юрак бағри изтиробга тўлмоқ
Пематанг	Соҳил тўсиғи	Раҳбарият, дин пешволари
Курниа	садақа	Қаратилган кичиккина эътибор
Сетумпук	Гала, тўда, гуруҳ	Жамиятда хур фиклиларга қарши бўлганлар
Дипупук	Тарбия қилиш, ўстириш	Қўллаб қувватлаш, маъқуллаш

3.4. “Дипонегоро” шеърдаги рамзлар кўлами

Яна машҳур шеърларидан бири “Дипонегоро” номли шеърига эътиборимизни қаратсак.

ДИПОНЕГОРО

Ди маса пембангунаи ини
туан ҳидуп кембали
Дан бара кагум менжади апи

Ди депан секали туан менанти
 Так гентар. Лауан банякня сератус кали.
 Педанг ди канан, керис ди кири
 Берселемпанг семангат янг так биса мати.

МАЗУ

Ини барисан так бергендеранг-берпалу
 Кеперсаяан танда менербу.

Секали берарти
 Судах иту мати.

МАЗУ

Багиму Негери
 Менедиакан апи.
 Пунах ди атас менгхамба
 Бинаса ди атас дитиндас
 Сесунггухня жалан ажал бару терсапай
 Жика хидуп харус мерасаи
 Мажу
 Сербу
 Серанг
 Тержанг
 (Фебруари 1943)

ДИПОНЕГОРО

Қурилар чоғи бу бино
 У жаноб қайтди яна ҳаётга
 Барчани айлаб ҳайрону лол
 Айланди ёнаётган бир отга

 Сесмайин ҳеч қандай бир титроқ
 Ўзи-ла учрашди ул жаноб

Юзтага кўпайди ғаним ўшал он
Ўнг кўлида шамширу чапида пайкон

Кўркдим мен

Дунё-ла видолашмоққа

Топилмасачи, э воҳ, у имкон?!

Олға!

Бу сенга эмас бир дўмбира

То чаласан уни болғани ура ура

Кўзғалон зўр ишончдан дарак

Бу нени англатгусидир демак

Дунёда у энди йўк

Олға!

Она тупроқ!

Тайёрлансин олов!

Самодан тополмам биргина кўмак

Вайронага айланди сержило фалак.

Янги ўлим-ла бўласан ўртоқ

Чин дилдан ҳаётни билган онданоқ.

Олға!

Хужумга.

Жангга.

Урушга.

Мазкур шеър ўз рамзий ифодалари билан ҳар бир ўқувчини ўйга чўмдирмай қўймайди. Шоирнинг бу шеърини ҳам рамзар кўлами майдони деб айтсак муболаға бўлмас. Аввало шеър сарлавҳаси бўлмиш “Дипонегоро” ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб топдик.

Дипонегоро - (1875 йил 11 ноябр – 1855 йил 8 январ) голланд мустамлака қоидаларига қарши чиққан, қарши курашган Ява шаҳзодаси эди. Уни Дипанегара деб ҳам аташади. У 1825 йилдан 1830 йилгача давом этган

Ява Урушида муҳим аҳамиятли рол ўйнаган шахсдир. 1830 йилда Голанд мустамлакачилари Дипонегорони Макассарга сургун қилганлар.

Голланд мустамлакачиларининг адолатсиз ва халқ шароитларига тўғри келмайдиган сиёсати, солиқларнинг ақлга сиғмас даражада ошиши натижасида Дипонегоро уларга қарши уруш очди.

Бугунги кунда Дипонегоро Индонезиянинг миллий қаҳрамони ҳисобланади. Марказий Ява Ҳарбий қисми унинг номи билан аталади. Икки кема ҳам унинг номи билан юритилади: (КРИ Дипонегоро-365 ва Дипонегоро (СИГМА-Сласс)). Жогжакартадаги меҳмонхона ҳам унинг номи билан юритилади. (“Амарис Хотел Дипонегоро – Жогжа”)²⁵

Шеърнинг – “Ди маса пембангунан ини, туан ҳидуп кембали”- “Қурилар чоғи бу бино, У жаноб қайтди яна ҳаётга” мисрасида, бино яъни қайта тикланиш, қайта қурилиш, аҳолини чарчатган сиёсатдан чекиниб янги тизимга ўтишни “бино” рамзида назарда тутилмоқда. Маълумки, бино қурилади, тизим ҳам бино каби муқим этиб ўрнатилиши истаги бу мисрада яшириниб ётибди. Яъни шундай адолатли ва халқпарвар тизим ўрнатилишни истовчилар кўпайганда, у жаноб, яъни халқпарвар индонез халқи қаҳрамони Дипонегоро гўё ҳаётга қайтгандек бўлди. Унинг руҳияти билан ўша давр хурфидорлари ватан фаровонлиги учун ўз ижодлари ила курашаётган эдилар.

“Дан бара кагум менжади апи”

“Барчани айлаб ҳайрону лол

Айланди ёнаётган бир отга”

У жанобнинг руҳи изтиробу нолалардан гўё олов бўлиб ёнар, эртаклардагидек оловланаётган, парвоз қилаётган отга айланди. От тимсоли бу ерда озодлик, адолат истовчи халқ исёни рамзини ифодаламақда.

“Ди депан секали туан менанти

Так гентар. Лаван банякня сератус кали.”

“Сезмайин ҳеч қандай бир титроқ

²⁵ <http://en.wikipedia.org/wiki/Diponegoro>

Ўзи-ла учрашди ул жаноб
Юзтага кўпайди ғаним ўшал он”

Дипонегоро сингари адолат учун исёнкор рухга эга ватанпарвар шахслар ҳеч қандай кўркув ёки титроқни сезмайдилар. “Ўзи билан ўзи юзлашди” деган жумада, Дипонегоро – индонез қахрамонининг руҳи ўзи сингари адолатпарвар инсонлар билан учрашди деган маънони англаш мумкин. Лекин шундай ватанпарварлар пайдо бўла бошлагач уларга қарши кучлар юзтагача кўпайди.

Бу мисраларда, Дипонегоро – адолатпарвар ва исёнкор рух ва шу руҳда ҳаракат қилаётган халқ рамзида ва оловли от – изтиробга тўла адолат истовчи қалб рамзидида ифодаланиб келмоқда.

“Педанг ди канан, керис ди кири
Берселемпанг семангат янг так биса мати.”

“Ўнг қўлида шамширу чапида пайкон

Кўрқдим мен

Дунё-ла видолашмоққа

Топилмасачи, э воҳ, у имкон?!”

Душман шунчалар қуроолланганки, бир қўлида пайкон, бирида шамшир. Яъни бундай исёнкорларни тепада турган раҳбарлар, уларга қарши лаганбардор, кўзбўямачи дин пешволари истаганларича ўз пайконларидан қалбларига найза, обрўларини тўкиш эвазига ўчмас жароҳат, туҳмат тошлари билан чарҳланган шамширлари билан шижоатарини ўлдириш ва қонга бўяшни бемалол амалга ошира оладилар. Шу топда, шоир кўрқмоқда, бундай вазиятлар билан ўлиб ҳам қутулолмаслик, ўзи орзу қилган кунларга эриша олмасликдан сесканиш, у вафотидан сўнг ҳам анчагача таъна тошлари унга тинчлик бермасликларидан чўчимокда.

“МАЖУ

Ини барисан так бергендеранг-берпалу

Кеперсаяан танда менербу.

Секали берарти

Судах иту мати.”

“Олға!

Бу сенга эмас бир дўмбира
То чаласан уни болғани ура ура
Қўзғалон зўр ишончдан дарак
Бу нени англатгусидир демак
Дунёда у энди йўқ”

Шундай бўлса-да олға юрайлик. Ватан фаровониги учун кураш дўмбирани болға билан ургандай, шунчаки, куруқ оғизда гапириш, жар солиш дегани эмас. Унга чинакам қўзғалон керак. Қўзғалон нимани англатади, халқ қўзғалон кўтарса, демак, у яхши кунлар келиши умидида, ва шу умидига, орзусига ишонади. Лекин Дипонегоро сингари қахрамон энди йўқ. Энди ким ҳам бундай қўзғалонни бошини тутарди.”

Мазкур мисраларда, болға билан дўмбирани уриш ибораси куруқ жар солиш, вайсаш ибораларини рамзлар ифодаси билан келтирмоқда.

“МАЖУ

Багиму Негери

Менедиакан апи.

Пунаҳ ди атас менгҳамба”

“Олға!

Она тупроқ!

Тайёрлансин олов!

Самодан тополмам биргина кўмак

Вайронага айланди сержило фалак.”

Фикримизча, юқорида келтирилган мисралар рамзи қуйидаги фикр ва кечинмаларни ифодаган: “Шунча тўсиқларга қарамай биз олға қадам ташлашимиз керак. Она тупроқ учун биз курашишимиз керак. Оловлар тайёрлансин – деганда, юрагида ўти борлар, оловқалблилар ватан равнақи учун шарафли ҳаракат қилсинлар, унга ғов бўлаётган тўсиқларни оловлари ила куйдириб, йўлдан олиб ташласинлар. Чунки, самодан, яъни руҳлари

самога учиб кетган марҳум қаҳрамонлар энди бизга ёрдам бера олмайдилар, улар бу кунларни кузатиб ҳам руҳлари вайрон бўлган бўлиши аниқ.”

“Сесунггуҳня жалан ажал бару терсапай

Жика ҳидуп харус мерасай”

“Янги ўлим-ла бўласан ўртоқ

Чин дилдан ҳаётни билган онданоқ.”

“Янги ўлим” – сен ҳаётни қанчалар қийин ва ташвишларга тўла, азобли эканлигини ўзинг иштирокчиси бўлиб ҳис қилишинг билан янгича ўлим топасан, яъни тирик бўлсанг-да, руҳсиз, кайфиятсиз, ҳаракатсиз, нима қиларингни билмай қарахт бўлиб қолишинг мумкин.”

“Мажу, Сербу, Серанг, Тержанг”

“Олға! Ҳужумга. Жангга. Урушга.”

“Шундай қарахт ҳолга келмаслик учун ҳам ҳозирдан олға қадам ташлашимиз даркор. Разолату ноҳақликларга қарши курашишимиз, уларга ҳужум қилишимиз керак. Шу кайфият билан ҳаракат қилсаккина, марра бизники, фаровон ҳаёт халқимизники.” деган фикрлар шоирнинг сўнгги мисраларида ўз аксини топади.

Оригинал варианты (индонезча)	Ўзбекча таржимаси	Рамзий ифодаси
Пембангунан	Бино қурилиши	Янги халқпарвар ва адолатпарвар тизим тузилиши
Туан	Жаноб	Дипонегоро –индонез қаҳрамони назарда тутилмоқда
Ҳидуп кембали	Қайта тирилди	У сингари халқпарварлар ҳам пайдо бўлди
Апи	Олов	Изтиробли ёки ғазабли руҳ

Дидепан секали туан менанти	Жаноб яна ўзи билан ўзи учрашади	У кахрамон кабиларнинг пайдо бўлиши
Педанг	Шамшир, қилич	Адолатпарварларни йўқ қилишга қаратилган усуллар (масалан, тухмат, пўписа, қийнов)
Керис	Пайкон	Адолатпарварларни йўқ қилишга қаратилган усуллар (масалан, тухмат, пўписа, қийнов)
Лауан	душман	Уларга қарши бўлганлар
Так биса мати	Ўла олмаслик	Орзули кунга етиша олмаслик, маломатлардан ўлиб ҳам қутула олмаслик
Бергендеранг берпалу	Барабанни болға билан урмоқ	Қуруқ гап билан ўзича ватанпарварлигини кўрсатмоқ, амалда ҳеч нима қилмай, оғизда жар солмоқ (бу ерда, баъзи “ватанпарвар” ниқоби остида фаолият кўрсатган, аслида бемақсад ёки бепарволар қаттиқ киноя остига олинмоқда)
Менедиакан апи	Олов тайёрлансин	Йўлдаги тўсиқлар олов

		билан, яъни ўзига хос “куйдирувчи” усуллар билан олиб ташлансин
диатас	Тепада, самода	Яъни самодан бизни кузатаётган руҳлар назарида
Ажал бару	Янги ўлим	Ҳаётда яшаб туриб, ҳеч нарсани ҳис этмай, алғов далғовликлардан карахт ҳолга келиш

Ҳайрил Анварнинг юқорида келтириб ўтган ва бошқа шеърларини имкон борича таржима қилиб, маъносини чиқариб, рамзлар ифодаси кўлами жиҳатидан таҳлил қилар эканмиз, шоир рамз сифатида табиат жисмлари ва табиатга тегишли тушунчалар (тонг, оқшом, тун, қуёш, океан, соҳил, ўсимликлар ва ҳ.з.), инсон таъна аъзолари ва унга тегишли бўлган тушунчалар (юрак, кўз, лаб, қон, йиринг, яра), бошқа миллат ва мамлакат шоирларида анъанавий рамз ҳисобланган шароб, май кабилар қўлланилгани, ҳамда, кўп шеърларида тушкун кайфият етакчилик қилиш билан бирга, баъзиларида оптимистис руҳ ҳам сезилар сезилмас кўзга ташланишини гувоҳи бўлдик.

Шоирнинг ижодида бир қарашда оддий, содда ва жўн бўлиб туюлган назмий сатрлар, сўз ва сўз бирикмалари ортида чуқур фалсафий мушоҳада, хур фикрлилик, иллатлар устидан танқид, ёруғ кунларга умид ва ишонч, адолатсизлигу нотоғри тизимдан ўқувчини огоҳ этуш мазмуни яшириниб ётибди.

Бадиий матнни тушуниш, унда айтилмоқчи бўлган фикр ғояни тугал англаб етиш, тўласича эстетик идрок этиш у қадар ҳам осон иш эмас. Муаллифнинг айтмоқчи бўлган гапи бадиий матнда бутунлай очиқ яланғоч бир тарзда, икки карра икки тўрт қабилида ифодаланмайди. Бадиий матнда

муаллифнинг асосий гапи яширин, турли ишоралар воситасида, образлар, кўчимлар, тағмаёнолар каби бадииятнинг ўзига хос унсурлари орқали берилади. Айтиш мумкинки, асосий мазмуннинг имплицитлиги бадиий матнни нобадиий матнга зидловчи омиллардан биридир. Дунё адабиёти тарихида мустаҳкам урфга кирган ақидалардан бири шуки, **муаллиф нуқтаи назари қанчалик яширин бўлса, санъат асарининг эстетик қиммати шунчалик юқори бўлади.**²⁶

Рамзийлик ва маъно – маданият, маълум даражада, символлар дунёсидир. Биз маданият дунёсида яшар эканмиз, демак, символлар дунёсида яшаймиз. Символлар асосидаги маданият дунё қандай бўлса шундайлигича ифода этмайди, балки уни белгилари, муносабатларини ифодалайди. Бошқа предмет, ходиса тўғрисида ахборот беради. Инсон фаолияти доим символ билан иш қилади. Маданиятнинг символик концепсияси дунёнинг янги маъноси ва мазмунини очиб беради.²⁷

Франтсуз адабиётшуноси Р. Барт шундай ёзади: *“Агар сўзларда фақат луғатда қайд этилган муайян маъногина бўлганда ва иккинчи тил (бадиий тил дейилмоқчи) тилнинг бундай тўғрилигини бузмаганда ва ундан озод қилмаганда эди, адабиёт ҳам бўлмас эди.”*²⁸

Рамзийликни таҳлил қилишнинг ўзи ҳам тадқиқотчини маълум бир маънода ижоди ва кашфиётдир. Чунки маънолар яшириниб ётган ҳилқатдан, жумбоқдан тўғри фикр, мазмунни излаб топиш билан тадқиқотчи ҳамда адабиётга қизиққан ўқувчининг нафақат рамзийлик борасидаги билимлари ўсади, балки, ҳаётда ҳам ҳар бир нарсадан рамз қидиришга уринадиган бўлиши келгуси адабий ва тадқиқот ишларда ҳар бир ишга теранроқ киришини таъминлаб беради. Ҳайрил Анвар шеърини рамзийликдан сабоқ бергувчи манба десак, хато бўлмайди.

²⁶ Qalandarov M. “Hofiz g’azallarida “Gul” ramzi”. Badiiy adabiyot va tasavvuf timsollari. Ilmiy to’plam. Toshkent davlat sharqshunoslik instituti. 2010. 109 – bet.

²⁷ O’sha manba. 111- bet.

²⁸ Ржевская Н.Ф. О семиотических исследованиях в современном французском литературоведении// Семиотика и художественное творчество – Москва: Наука, 1977. С. 79

ХУЛОСА

Индонез адабиётининг 1945 йиллардан кейинги муҳим бурилишига асос солган шоир Ҳайрил Анвар (индонезча: Чаирил Анвар) шеърияти индонез ва жаҳон адабиётшунослари томонидан муайян даражада ўрганилгандир. Кузатувлар натижасида кенг ва чуқур ўрганилган тадқиқотлар каммаҳсул ва ҳали бу мавзу тадқиқот ишларига муҳтож эканлигини аниқладик.

Биз тадқиқот аввалида олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларимизга имкон қадар эришишга ҳаракат қилдик ва тадқиқот ишимиз жараёнида қуйидаги хулосаларга келдик:

- Ҳайрил Анвар шеъриятида бадиий сўз санъат тасвирларига бой бўлган

ўзига хос оригинал услуб етакчилик қилади. Ўз даврида у яратган услубни голланд адабиётидан кўчирма деб танқид олишган бўлса-да, келтирилган бир қатор фактларга асосан Ҳайрил Анвар “янгича услуб асосчиси” деган мақомга эришган.

- Индонез адабиётига мутлақо янгилик бўлган экспрессияли эркин шеър

поетик шаклини шеъриятга олиб кирди;

- У талабчанлик билан ва қаттиқ туриб олган ҳолда ижоди орқали индонез

тили қурилишига ҳисса қўша олди;

- Унинг шеърларида ғарб верлибрларининг таъсири сезилади.

Шоирнинг шеърларини тематик таҳлил қилиш жараёнида қуйидаги хулосаларга келинди:

- Ҳайрил Анвар шеъриятида ватан, ўлим, севги, ҳаёт, умид, она, диний

мавзулар, жамиятдаги иллатлар танқиди етакчилик қилган ва уларнинг аксариятида тушкун кайфият, изтироб ва ачиниш ҳиссиётлари аниқ сезилиб туради. Лекин унинг шеърларида мағрурлик, душман юзига тик қараш, ўзини доимо баланд тутиш, бундай разолатли ҳаётдан ўлимни шарафли деб билиш, ўқувчини қарши курашга, эзгу амаллар бажаришга чорлаш ғоялари муҳим ўринни эгаллайди.

Шоир шеъриятида муҳим ўрин тутган рамзлар кўламини тадқиқ этиб,

кузатишлардан келиб чиқиб, хулосаларга келдик:

- Шоир рамз сифатида табиат жисмлари ва табиатга тегишли тушунчалар

(тонг, оқшом, тун, кўёш, океан, соҳил, ўсимликлар ва ҳ.з.), инсон таъна аъзолари ва унга тегишли бўлган тушунчалар (юррак, кўз, лаб, қон, йиринг, яра), бошқа миллат ва мамлакат шоирларида анъанавий рамз ҳисобланган шароб, май кабилар қўлланилгани, ҳамда, кўп шеърларида тушкун кайфият етакчилик қилиш билан бирга, баъзиларида оптимистис руҳ ҳам сезилар сезилмас кўзга ташланишини гувоҳи бўлдик.

- Шоирнинг ижодида бир қарашда оддий, содда ва жўн бўлиб туюлган

назмий сатрлар, сўз ва сўз бирикмалари ортида чуқур фалсафий мушоҳада, хур фикрлилик, иллатлар устидан танқид, ёруғ кунларга умид ва ишонч,

адолатсизлигу нотоғри тизимдан ўқувчини огоҳ этуш мазмуни яшириниб ётибди.

Ҳайрил Анвар шеъриятида нафақат тематика ёки рамзлар мавзулари,

балки бадий сўз санъат тасвирлари, услубшунослик ва адабиётнинг бошқа долзарб мавзулари бўйича сермахсул тадқиқотлар амалга ошириш имкониятлари жуда кенг.

Биз ўрганган мавзу Индонез адабиётшунослигида ҳали чуқур амалгам оширилмаган тадқиқот бўлиб, келгуси илмий изланишларимизда мазкур мавзунини кенг ва чуқурроқ ёритиш мақсадидамиз.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир.Т.3. Тошкент. Ўзбекистон. 1996. 274-б.
2. Абдоел Ҳади W.M. Чаирил Анвар, Чаирил Анвар. Будая Жая. 1979
3. Ариёф Будиман. Чаирил Анвар: Себуаҳ Пертемуан . (Ҳайрил Анвар: Бир Учрашув.) Индонесиа. 2007

4. А.Тей. www.google.com/indonesianliterature
5. Адриан Вискенс. А Ҳисторй оф Модерн Индонесиа. Самбридге Университй Пресс. 2005. П. 5-6.
6. Аҳмаджон Қуронбеков. Адабий мажоз, ирфоний рамз ва тимсоллар. Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. Тошкент. 2010.54, 88-бет.
7. Балфас Мухаммад. Модерн Индонесиан Литературе ин Бриеф. Ҳамдбуч дер Ориенталистик. (Шарқшунослар брошюраси). Леиден, Нитҳерландс. 1976
8. Чаирил Анвар, Амир Ҳамзах, дан Традици Пуиси Индонесиа. Ҳорисон. 1983. 273-282.
9. Чаирил Анвар. Аку ини бинатанг жаланг. Пенербит ПТ. Грамедиа Пустака Утама. Жакарта.
- 10.Денисе Левертов, Тхе Поет ин тхе Ворлд. New Ёрк: New Дирестионс, 1973. Паге 236
- 11.Джамин Насжах, Моникуе. Лес Дерниерс Моментс де Чаирил Анвар. (Ҳайрил Анварнинг сўнгги лаҳзалари). Франсе. 1972
- 12.Жассин Ҳ.Б. Чаирил Анвар. Пенжаир Револусионер Индонесиа. Пансе Рая. 1947. 545-548.
- 13.Қаландаров М. “Ҳофиз ғазалларида “Гул” рамзи”. Бадиий адабиёт ва тасаввуф тимсоллари. Илмий тўплам. Тошкент давлат шарқшунослик институти. 2010. 109 – бет.
- 14.Тееуw А. Састра Бару Индонесиа. Нуса Индах. 1980
- 15.Ямпольский Тинук. Чаирил Анвар: Поет оф а генератион. Нортҳерн Иллиноис Университй. 2002
- 16.Ржевская Н.Ф. О семиотических исследованиях в современном французском литературоведении// Семиотика и художественное творчество – Москва: Наука, 1977. С. 79
- 17.Сикорский. Индонезийская литература. Москва. 1965
- 18.Федлеров .И. Образная речь. – Новосибирск. Наука, 1985. С. 11

19. Индуизм. Джайнизм. Сикхизм / Под общ. ред. М. Ф. Альбедиль и А. М. Дубянского. — М.: Республика, 1996. — С. 262.
20. Тхе девелопмент оф Модерн Индонесиан Поетри. Албанй: Стате Университй оф Нью Ёрк Пресс, 1967. 80-81.
21. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 4-бўлим. 158-159 бетлар.
22. Ўзбек миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2005. 51 бет.
23. Тхе девелопмент оф Модерн Индонесиан Поетри. Албанй: Стате Университй оф Нью Ёрк Пресс, 1967. 80-81.
24. <http://slovar.lib.ru/dictionary/verlibr.htm> Источник - Тимофеева, Л.И., Венгров, Н.П. Краткий словарь литературоведческих терминов. - М.: 1963. - с.137.
25. <http://slovar.lib.ru/dictionary/verlibr.htm> Источник - *Руднев В.* Словарь культуры XX века
26. <http://www.enotes.com/death-not-proud-john-donne>
27. www.google.com/indonesianliterature
28. www.google.com/wikipedia/interlude
29. <http://en.wikipedia.org/wiki/Ahasuerus>
30. <http://en.wikipedia.org/wiki/Diponegoro>

ИЛОВА

Ҳайрил Анвар шеърларида ифодаланган рамзлар

Оригинал вариант (индонезча)	Ўзбекча таржимаси	Англлатган маъноси Рамзий ифодаси
---------------------------------	-------------------	--------------------------------------

<i>АКУ - МЕН</i>		
<i>Мелангках</i>	Қадам ташламоқ	Қарши курашмоқ
<i>Туак</i>	Шароб	Изтироблар, азоблар Ғам-алам, изтироб билан тўлган муҳит (у шунчалар торки, бамисли қадахдек)
<i>Сасар Бернанаҳ</i>	Яра Йиринг	Ноҳақлик, адолатсизликка чидай олмасликдан чекилган азоб
<i>Далам ҳидуп ди мата тампақ бергерак</i>	Ҳаётнинг жўшқин маркази	Алғов – далғовли замон
<i>Минум</i>	Ичмоқ	Май ёки шароб эмас, изтироб, ифлосликларга сабр қилмоқ, уларни ичига ютмоқ
<i>РУМАҲКУ –МЕНИНГ УЙИМ</i>		
<i>Румаҳ</i>	Уй	Шеърлари макони, ҳаётининг мазмуни, бутун борлиғи
<i>Каса жерниҳ</i>	Тоза шиша/ойна	Соғлом фикр, беғараз қалб
<i>Гедон лебар ҳаламан</i>	Ҳовлининг кенг уйи	Разилликлар билан тўлиб кетган муҳит
<i>Жалан</i>	Йўл	Олдига қўйган мақсад, орзуга етакловчи йўл
<i>Кемаҳ</i>	Чайла	Узоқдан кўринувчи яъни умид қилинаётган

		муҳит, эзгулик макони
<i>Сенжакала</i>	Оқшом, ғира-шира пайт	Езгулик содир бўладиган пайт (онда сонда, оқшом каби ғира - шира)
<i>Паги</i>	Ерталаб, тонг	Кўз ўнгимиздаги давр
<i>Бебини</i>	Уйланмоқ	Шеър оламининг ҳаёт тарзига айланиши, шоирлик қилиш
<i>Беранак</i>	Фарзанд кўрмоқ	Шеърлар, гўялар яратмоқ. Фарзанд- асарлар, шеърлар
<i>Петанг</i>	Оқшом	Езгу кунлар
<i>Ката манис/маду</i>	Ширин/асал сўзлар	Тўғри, адолатли сўз ва сиёсат
<i>ПЕНГҲИДУПАН – ҲАЁТ ТАРЗИ</i>		
<i>Лаутан</i>	океан	Ҳаёт, ҳаёт тарзи
<i>Маҳа</i>	Катта, бепоён	Узоқ вақт давом этиб келаётган, чексиздек кўринадиган
<i>мукул</i>	куртак	Замона иллатларига қарши бруган ёш хур фикрлилар
<i>Дентур</i>	Дарз кетмоқ, синмоқ, йиртимоқ	Йўқ бўлмоқ, жамиятдан дафъ қилинмоқ; юрак бағри изтиробга тўлмоқ
<i>Пематанг</i>	Соҳил тўсиғи	Раҳбарият, дин пешволари

<i>Курниа</i>	садақа	Қаратилган кичиккина эътибор
<i>Сетумпук</i>	Гала, тўда, гуруҳ	Жамиятда хур фиклиларга қарши бўлганлар
<i>Дипупук</i>	Тарбия қилиш, ўстириш	Қўллаб қувватлаш, маъқуллаш
<i>ДИПОНЕГОРО</i>		
<i>Пембангунан</i>	Бино қурилиши	Янги халқпарвар ва адолатпарвар тизим тузилиши
<i>Туан</i>	Жаноб	Дипонегоро –индонез қаҳрамони назарда тутилмоқда
<i>Ҳидуп кембали</i>	Қайта тирилди	У сингари халқпарварлар ҳам пайдо бўлди
<i>Апи</i>	Олов	Изтиробли ёки ғазабли руҳ
<i>Дидепан секали туан менанти</i>	Жаноб яна ўзи билан ўзи учрашади	У қаҳрамон кабиларнинг пайдо бўлиши
<i>Педанг</i>	Шамшир, қилич	Адолатпарварларни йўқ қилишга қаратилган усуллар (масалан, туҳмат, пўписа, қийнов)
<i>Керис</i>	Пайкон	Адолатпарварларни йўқ қилишга қаратилган усуллар (масалан,

		тухмат, пўписа, кийнов)
<i>Лауан</i>	душман	Уларга қарши бўлганлар
<i>Так биса мати</i>	Ўла олмаслик	Орзули кунга етиша олмаслик, маломатлардан ўлиб ҳам қутула олмаслик
<i>Бергендеранг берпалу</i>	Барабанни болға билан урмоқ	Қуруқ гап билан ўзича ватанпарварлигини кўрсатмоқ, амалда ҳеч нима қилмай, оғизда жар солмоқ (бу ерда, баъзи “ватанпарвар” ниқоби остида фаолият кўрсатган, аслида бемақсад ёки бепарволар қаттиқ киноя остига олинмоқда)
<i>Менедиакан апи</i>	Олов тайёрлансин	Ўўлдаги тўсиқлар олов билан, яъни ўзига хос “қуйдирувчи” усуллар билан олиб ташлансин
<i>диатас</i>	Тепада, самода	Яъни самодан бизни кузатаётган руҳлар назарида
<i>Ажал бару</i>	Янги ўлим	Ҳаётда яшаб туриб, ҳеч нарсани ҳис этмай, алғов далғовликлардан қарахт ҳолга келиш

ТАК СЕПАДАН - НОМУНОСИБ

<i>Диндинг бута</i>	Кўринмас девор	Сароб орзулар
<i>пинту</i>	Ешик	Муаммолар ечими
<i>Апи</i>	Олов	Қарши курашиш
<i>Терпангганг</i>	Ёнмоқ, куймоқ	Ўлмоқ, дунё билан видолашмоқ
<i>Тинггал рангка</i>	Хумда яшайман	Ўламан

СИА – СИА - БЕФОЙДА

<i>Кембанг беркаранг</i>	Қўпол гуллар	Бевақт келган туйғулар
<i>Мавар мераҳ</i>	Қизил атиргул	Гўзал қалб, уялаётган юз
<i>Мелати путиҳ</i>	Оқ жасмин	Пок, беғубор мухаббат
<i>Дараҳ</i>	Қон	Севгининг ҳаётлиги

ПЕНЕРИМААН - ҚАБУЛ ҚИЛИШ

<i>Бак кембанг сари судаҳ тербаги</i>	Кесилган, қирқилган асл гул каби	Ўзи жуда чиройли, лекин изтиробларга тўла
<i>Сермин</i>	Кўзгу	умид

ҲАМПА – БЎМ БЎШ

<i>Поҳонан</i>	дарахтлар	Жамият кишилари
<i>Куаса-берани</i>	Куч ва жасурлик	Кучли ва жасур ватан посбонлари
<i>Менанти пенгҳабисан менсесик</i>	Бўғизга пичоқ тақалгунча кутиш	Сабрсизлик ва умидсизлик билан кутиш
<i>Удара бертуба</i>	Гиёҳ (доривор) ҳавоси	Яхши кунлардан дарак
<i>МАЛАМ</i>		
<i>Келам</i>	Зулмат, қоронғи	Нотинч давр
<i>Бержага</i>	Уйғоқ	хушёр
<i>Жагал</i>	Савдо қилувчи, қассоб	Адолатсиз раҳбарият

<i>Себелум</i> <i>мембентанг</i>	<i>сианг</i>	Туш пайти киргунча	Яхши, орзуқилинган кунлар келгунча
<i>Тенггилам ҳиланг</i>		Сув остида йўқолмоқ	Ўлмоқ, дунё билан ҳайрлашмоқ
<i>СЕРИТА - ҲИКОЯ</i>			
<i>Пасар бару</i>		Янги бозор	Янгича сиёсий тизим
<i>менгада</i>		Ихтиро қилмоқ	Бирор ғоя ташламоқ
<i>менгикат</i>		Боғламоқ	Ўз ғоялари билан сиёсий тизим ғояларини мутаносиблаштирмоқ
<i>Теман лусу</i>		Қизик дўст	Жамият аъзолари
<i>Тужу</i>		Жодуланган	Илгаригидек эмас